БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 26
15 МАРТ
ДУШАНБА
1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

СССР Олий Советига сайлов совет халқининг ма'новий-сиёсий бирлиги, қардошларча дўстлиги, ватанпарварлиги, шонли Коммунистик партияга, социалистик Ватанга чексиз садоқати ва муҳаббатининг қудратли намойишига айланди.

Партия, ҳукумат ва халқимиз бирлигининг ёрқин намойиши

Кеча қаҳрамон совет халқи зўр қувонч ва якдиллик блан ўз давлат ҳокимиятининг юқори органи—СССР Олий Советига депутатлар сайлади. Мамлакатимиз меҳнаткашлари бу кунни умумхалқнинг катта шодиёна байрами сифатида нишонладилар. Ҳамма сайлов участкаларида ҳаёт қайнади, совет кишилари ўзларининг фахрий гражданлик бурчларини бажариш—коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатларига овоз бериш учун сайлов қутилари ёнига келдилар. СССР Олий Советига сайлов социалистик демократиянинг зўр тантанасига, Коммунистик партия, Совет ҳукумати ва халқнинг улуғ бирлигини, мамлакатимиздаги барча социалистик миллатларнинг ма'навий-сиёсий бирлиги, қардошларча дўстлиги ва юксак ватанпарварлигини ёрқин ифодаловчи қудратли намойишига айланди.

СССР Олий Советига сайлов ғалаба қилган социализм Конституциясининг буюк демократик принциплари асосида ўтказилди. «Бизда,—деган эди И. В. Сталин,—сайловлар ишчиларнинг, деҳқонларнинг, интеллигенциянинг ҳамкорлиги шароитида, уларнинг бир-бирига ишончлари шароитида, менимча, ўзаро дўстликлари шароитида ўтади, чунки бизда капиталистлар йўқ, помещчиклар йўқ, эксплуатация йўқ ва халқнинг хоҳишини бузиш учун халқни таз'йиқ остита оладиганларнинг ўзи ҳам йўқ. Ана шунинг учун бизнинг сайловларимиз бутун дун'ёда бирдан-бир чинакам эркин ва чинакам демократик сайловлардир».

Чинакам халқ демократияси барқарор бўлган Совет мамлакатида бутун ҳокимият халқникидир. Бизда давлат ишини бошқаришда миллионларча меҳнаткашлар оммасининг бевосита ва актив иштирок этиши учун ҳамма имкониятлар яратиб берилган. Шунинг учун ҳам Совет ҳокимияти халқдан ташкил топган, халқ оммасидан чиққан ва унга яқин, унга қадрдон бўлган ягона бир ҳокимиятдир. Кеча СССР Олий Совети депутатлигига сайланган халқ хизматкорлари орасида ҳам Коммунистик партия тарбиялаб воя-га етиштирган, коммунизм ишига мислсиз содиқ бўлган, ўзининг фидокорона меҳнати блан умумхалқ ҳурматига сазовар бўлган илғор кишилар — ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва совет интеллигенциясининг вакиллари бор.

Коммунизм қураётган қаҳрамон халқимиз қаторида областимизнинг барча меҳнаткашлари ҳам кеча—14 март куни зўр хурсандчилик блан коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари учун овоз бердилар. Бу блан улар жонажон партиямиз учун, Совет ҳукуматининг тинчликсевар доно ташқи сиёсати учун, Совет давлатимизнинг куч-қудратини янада мустаҳкамлаш ва коммунизм қурилишининг янги муваффақиятлари учун овоз бердилар.

СССР халқларининг қардошлик оиласидан муносиб ўрин олган ўзбек халқи порлоқ келажак ва бахтли ҳаёт йўлини кўрсатиб берган шонли Коммунистик партияга, жонажон Совет ҳукуматига, оғамиз буюк рус халқига сайлов куни ўзининг самимий муҳаббати ва садоқатини, чексиз миннатдорчилигини яна ва яна изҳор қилди. Кекса сайловчи, Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхознинг илғор звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назаралиота Ниёзов бутун ўзбек халқининг фикри-зикрини ифодалаб, овоз бериш пайтида бундай деди:

— Илгариги вақтда эксплуататор синфлар ва уларнинг малайлари меҳнаткашлар давлатни идора қилаолмайдилар, деб халқ оммасини алдаб келган эдилар, турли баҳоналар блан уларни сайлов ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этар эдилар. Фақат Совет ҳокимиятигина давлат ишини бошқаришда миллионларча меҳнаткашлар оммасининг бевосита ва актив иштирок этишини та'минлади, оммани ташаббуси ва ижодий ғайратини ўстиришга имконият туғдирди. Биз бугун коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари учун қувона-қувона овоз берамиз. Халқ хизматкорлари учун овоз бериш—ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг янги тантанаси учун, Совет Иттифоқи халқлари, шу жумладан ўзбек халқининг келгусида ҳам озод ва енгилмас бўлиши учун, СССР халқлари ўртасидаги қардошларча бузилмас дўстликнинг тобора ўсиб мустаҳкамланиши учун, халқ бахт-саодати учун овоз бериш демакдир.

Ўтган сайловлардаги каби бу сайловда ҳам коммунистлар блан партиясизларнинг енгилмас блоки порлоқ ғалаба қозонди. Давлат ҳокимиятининг олий органига депутатлар сайлашда деярлик рўйхатга олинган барча сайловчилар қатнашдилар ва зўр уюшқоқлик ва бирдамлик блан халқимизнинг энг яхши ўғил ва қизлари учун овоз бердилар.

Коммунистлар блан партиясизлар блоки табиий ва ҳаётий бўлиб, совет халқининг мустаҳкам ма'навий-сиёсий бирлигини ифода этади. Қарама-қарши синфлар бўлмаган бизнинг социалистик жамиятда партияли ва партиясиз миллионларнинг сайловга биржон-биртан бўлиб мустаҳкам блок тузиб келишлари биздаги ижтимоий ва давлат тузумининг моҳиятидан келиб чиқади. Совет ижтимоий тузуми партиясизлар блан коммунистларни совет кишиларининг бир коллективи қилиб бирлаштирди. Капиталистик мамлакатларда эса сайловлар халқ манфаатлари учун эмас, балки халқни алдаш, эзиш, эксплуатация қилиш, капиталистларни ва помещчикларни бойитиш қуроли бўлиб хизмат қилади.

СССР Олий Советига сайлов халқимизнинг сиёсий активлигини ва меҳнат соҳасидаги ғайрат-ташаббусини бениҳоя ошириб юборди. Областимиз меҳнаткашлари сайлов кунини Коммунистик партия ва Совет ҳукумати атрофига ҳарқачонгидан ҳам маҳкам жипслашган ҳолда, янгидан-янги муваффақиятларга эришиш блан кутиб олдилар. Тошкент ва Чирчиқ машинасозлари, Бекобод металлурглари, Оҳангарон шахтёрлари, Паркент ғаллакорлари ва шонли пахтакорларимиз сайлов-олди социалистик мусобақасини ривожлантириб, янги ғалабаларни қўлга киритдилар. Партия ташкилотларининг вазифаси—эришилган дастлабки муваффақиятларни мустаҳкамлаб, социалистик мусобақани янада кенг миқ'ёсда авж олдириб юборишдан, кенг меҳнаткашлар оммасининг ижодий ташаббусини ривожлантириб, уларни ҳартомонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуминнинг мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳақида чиқарган қарори ватанпарварлик ғайратини янада кучайтирди. Областимизнинг мингларча ёш ватанпарварлари партиянинг чақириғи блан қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун Урол, Сибирь, Қозоғистон ва Волгабўйи районларига бориб ишлаш истагини билдириб ариза бермоқдалар. Партия, комсомол ташкилотлари ёшларнинг ватанпарварлик ҳаракатига етакчилик қилишлари, бутун қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг асоси бўлган дон хўжалигини янада ривожлантириш учун, ҳамма қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун, молларнинг сонини янада кўпайтириш ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш учун социалистик мусобақани янада кенгайтириб юборишлари керак. Бутун куч ва моддий-техника воситаларини қўкламги экишга тайёргарликни кучайтириб юборишга сафарбар этиш, кўкламни шай бўлиб кутиб олиш—шу кеча-кундуздаги энг муҳим вазифадир.

Партия XIX с'ездининг, КПСС Марказий Комитети сентябрь ва март Пленумларининг қарорларида коммунизм қурилишининг улуғвор вазифалари чизиб берилган. Партия ва ҳукумат меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини тўхтовсиз юксалтириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар, социалистик экономикани яшнатиш ва мамлакатнинг мудофаа қувватини оширишнинг асоси бўлган оғир саноатни тобора ривожлантириш ишига ғоят катта э'тибор бериш блан бирга, энг яқин йиллар ичида аҳолининг кенг исте'мол молларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун енгил ва озиқ-овқат саноатини ҳам тез сур'атлар блан юксалтирмоқдалар. Мамлакатимизда социалистик қишлоқ хўжалигини тез ривожлантириш юзасидан буюк тадбирлар амалга оширилмоқда. Коммунистик партиямиз кенг меҳнаткашлар оммасини ана шу энг муҳим, энг зарур умумхалқ вазифаларини бажаришга сафарбар этмоқда. Областимиз меҳнаткашлари ҳам СССР Олий Советига бўлиб ўтган сайловда партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган буюк вазифаларни бажаришга қат'ий бел боғлаганликларини, социалистик жамиятимизнинг раҳбар ва етакчи кучи—Коммунистик партия кўрсатган йўлдан оғишмай олға қараб боратганликларини яна бир марта намойиш қилдилар. СССР Олий Советига сайлов Коммунистик партия, Совет ҳукумати ва ижодкор халқимиз улуғ бирлигининг ёрқин намойишига айланди.

Ўзининг юксак ватанпарварлигини, мустаҳкам ма'навий-сиёсий бирлигини, коммунизм улуғ ишига чексиз садоқатини бутун жаҳонга бирнеча марта кўрсатган совет халқи Ленин—Сталин байроғи остида, шонли Коммунистик партиянинг доно раҳбарлигида коммунизмнинг тўла ғалабаси сари олға бормоқда.

Москва метросининг Катта халқаси ишга тушди

Метрополитен Катта халқасининг учинчи участкасидаги ишлар тугалланди. Эндиликда поездлар 20 километрли ерости йўлида қатнайоладилар.

... «Киевская-Кольцевая» станцияси. 13 мартда станцияда одатдан ташқари кун эди. Кундуз соат икки. Москва метрополитени тўртинчи навбати қурилишининг тамомланишига бағишланган митинг бўлди.

Митингни Метрострой сиёсий бўлимининг бошлиғи А. П. Ковалев очади.

Метрострой бошлиғи Н. А. Губанков Москва партия ташкилотининг раҳбарлиги остида катта ҳажмдаги ишларни бажарган кўпминг кишилик коллективнинг фидокорона меҳнати ҳақида гапиради.

Сўнгра участка бошлиғи П. А. Федосов, проходчиклар бригадири И. С. Костенко сўзга чиқадилар.

— Биз Катта халқадаги ишларни тамомлаб,—деди ўртоқ Федосов,—метронинг бешинчи навбатини қуришга киришдик. Янги топшириқ ҳам ўз муддатида бажарилади, деб партия ва ҳукуматни ишонтириб ва'да берамиз.

Метрополитен бошлиғи А. И. Ежов, Йўллар министрининг биринчи ўринбосари И. Д. Гоциридзе ва КПСС Марказий Комитети Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари И. В. Капитонов метрострой қурувчиларини халқа магистрали қурилишининг тамомланиши блан табриклайдилар.

Митинг тамом бўлди. Ерости саройининг гумбазлари остида Совет Иттифоқи Гимнининг тантанали садолари янграйди.

Метрополитен бошлиғи А. И. Ежов поездга томон юради ва қизил лентани қиркади. Йўл очиқ!

Москва метрополитенидан — шаҳар транспортининг энг қулай, тез ва оммавий бўлган бу туридан пассажирлар тобора кўпроқ фойдаланмоқда. Метронинг ҳаворанг экспрессларида ҳаркуни икки миллион икки юз эллик мингдан кўпроқ киши қатнаб турмоқда. Бу метрополитеннинг биринчи линияси очилган 1935 йилдагига қарагаида 12 марта зиёдроқдир.

Москва метроси қурилиши давом этмоқда. Яна бирнеча йилдан кейин Ботаника боғидан Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасигача, Крим майдонидан Ленинские горигача борадиган янги линиялар пассажирлар қатнови учун очилади. (ТАСС).

Коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг порлоқ тантанаси

☆ ☆

Москва меҳнаткашлари овоз бермоқдалар

Эрта баҳор тонги. Москвадаги сайлов участкаларининг бинолари гуллар ва арчалар блан безатилган. Москвалилар СССР Олий Совети сайловида қатнашиш учун бу ерга зўр хурсандчилик блан келмоқдалар.

Ленинград сайлов округидаги 60-нчи сайлов участкасининг биноси говжум. Бу ерда Георгий Максимилианович Маленков Иттифоқ Совети депутатлигига овозга қўйилмоқда. Дастлабки соатлардаёқ бу округнинг кўпчилик сайловчилари ўз гражданлик бурчларини адо этиб бўлдилар.

Иттифоқ Совети депутатлигига Вячеслав Михайлович Молотов ва Никита Сергеевич Хрушчев овозга қўйилган Молотов ва Калинин сайлов округларининг сайловчилари ғоят активлик блан овоз бердилар. Москванинг ҳамма сайлов участкаларида сайловчилар Миллатлар Совети депутатлигига кандидат Николай Александрович Булганиннинг номи ёзилган бюллетенларни олдилар.

Москвалилар СССР Олий Советига ўнтўққиз депутат сайламоқдалар. Бюллетеньларга донгдор токарь П. Биков, отоқли олим академик А. Несмеянов, новатор ғишт теручи И. Широков, РСФСР да хизмат кўрсатган ўқитувчи Е. Мартьянова, артистлардан А. Тарасова ва Ватанимизнинг бошқа садоқатли ўғил ва қизларининг номлари ёзилган.

Қуёш нур сочиб турибди. Сайлов участкаларида бадиий ҳаваскорлик коллективлари, Москва театрларининг артистлари тамошалар кўрсатмоқдалар. Кўчаларда ёшларнинг ашула овозлари янграйди.

Пойтахтда фақат москвалиларгина эмас, балки кўпгина меҳмонлар ҳам овоз бердилар.

... «Москва» гостиницаси. Катта вестибюльда Свердлов сайлов округининг 3-нчи сайлов участкаси жойлашган. Биринчилар қаторида қирғиз ёзучиси Қосимали Баялинов ва ўзбек артисти Сора Эшонтўраева овоз бериш гувоҳномаларини кўрсатдилар. Сора Эшонтўраева Москвада артист А. Тарасова номи ёзилган бюллетеньни сайлов қутисига ташлаётган вақтда Кўнгирот сайлов округида унинг кандидатураси овозга қўйилмоқда.

Хабаровскдан келган инженер Столбов, Қорақум каналининг қурувчиси Итиев овоз бермоқдалар. «Москва» гостиницасида Литва адабиёти ва сан'ати декадасининг қатнашчиларидан катта бир группаси овоз берди.

Москва меҳнаткашлари аҳиллик блан овоз бериб, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати блан якдилликларини намойиш қилмоқдалар. (ТАСС).

Совет демократиясининг тантанаси

ЛЕНИНГРАД, 14 март. (ТАСС).. Ленин шаҳри СССР Олий Советига сайлов кунини меҳнатда янги муваффақиятлар блан кутиб олди. Сталин номидаги металлургия заводининг коллективи Куйбишев гидроэлектростанцияси учун уникаль сув турбинаси ишлаб чиқариш тўғрисидаги топшириқни кеча тўла бажарди. «Рабочий» фабрикасининг тўқувчилари 14 мартгача пландан ташқари 200 минг метр биринчи сортли газлама чиқаришга ва'да берган эдилар, ҳақиқатда эса, 256 минг метр газлама чиқардилар.

Ленинград пойафзалчилари, тикувчилари, озиқ-овқат корхоналарининг ходимлари, бинокорлари умумхалқ байрамини ишлабчиқариш соҳасидаги катта муваффақиятлар блан нишонладилар.

Эрталаб роса соат 6 да бир ярим минг сайлов участкасининг эшиклари кенг очилди. Киров сайлов округи. Буерда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига ва «Рабочий» фабрикасининг новатор-тўқувчиси М. Т. Материкова СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига овозга қўйилган.

Горький номидаги маданият саройида жойлашган биринчи сайлов участкасининг биноси меҳр қўйиб безатилган. Бу участкада биринчи бўлиб Киров заводининг слесари П. Е. Захаров ўз хотини Елена Григорьевна блан бирга, сув транспорти инженерлари институтининг студенти Николай Орлов, ўй-рўзғор ишлари блан шуғулланучи М. М. Матвеева овоз бердилар. Участкадаги сайловчиларнинг кўпчилиги дастлабки соатлардаёқ овоз бериб бўлди.

Калинин, Смолний, Петроград, Жданов сайлов округларида ва бошқа округларда сайловчилар ҳамжиҳатлик блан овоз бермоқдалар.

Бутун совет халқи блан бирликда ленинградлилар ҳам Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига ўзларининг чексиз муҳаббатларини ва садоқатларини, мамлакатимизда коммунизмнинг тантанаси учун бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қилишга тайёр эканликларини янада зўр куч блан намойиш қилмоқдалар.

Москва-Пекин поездида

ЧИТА, 14 март. (ТАСС). Кремль курантлари занг урриб ярим кеча бўлганидан дарак берган пайтда Забайкальеда тонг отди. Роса соат олтида Забайкалье қирлари бўйлаб Хитой Халқ Республикасининг чегарасига томон бораётган Москва-Пекин поездида овоз бериш бошланганлиги э'лон қилинди.

Ҳоварант чиройлик экспрессда шу эрта тонгда кўпчилик пассажирлар уйғонди. Поезднинг ҳар иккала томонидан овоз бериш пункти жиҳозланган вагонга совет граждани бўлган пассажирлар келабошладилар. Хитой ва Корея Халқ Демократик Республикасининг ўз юртига қайтиб бораётган гражданлари совет сайловчиларининг қувончига қўшилмоқдалар.

Светенскдан Забайкальега қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун бораётган комсомол а'золари В. Ефимов, С. Колотурин ва В. Петровлар биринчи бўлиб бюллетеньларини сайлов қутиларига ташладилар.

Поезднинг овоз бериш ҳуқуқи гувоҳномасига эга бўлган ҳамма пассажирлари эрталаб соат ўнгача ўз гражданлик бурчларини ўтаб бўлдилар.

☆ ☆

ЯКДИЛЛИК ВА УЮШҚОҚЛИК БЛАН

КИЕВ, 14 март. (ТАСС). Донбассда ва Закарпатьеда, Киев областида ва Қримда, Черкассида ва Хмельницкийда—ҳуллас бутун Украинада бугун умумхалқ шодиёнаси авж олган. Украин ва рус қўшиқлари, тантанали музика садолари янграмоқда.

Ишчилар, колхозчилар Ватанга, Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига ўзларининг оташин муҳаббатларини ва чексиз садоқатларини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатмоқ учун эрта саҳарлаб сайлов участкаларига кўплашиб келмоқдалар.

Киев халқи жуда барвақт уйғонди. Шаҳар йилдан-йилга яшармоқда. Бугун у айниқса кўркам. Биноларнинг тепасидаги давлат байроқларини енгил шабада ҳилпиратмоқда. Ҳаммажойда—плакатлар, транспарантлар. Соат олти бўлиши блаиоқ минглаб чироқлар блан чароғон бўлган шаҳарда 473 та сайлов участкасининг эшиклари очилди. Бу 1950 йилдаги сайловга қараганда яна 64 та янги сайлов участкаси ортди демакдир.

Украина пойтахтида эрталаб соат 10 гача сайловчиларнинг кўпчилиги овоз бериб бўлди.

Республиканинг ҳамма сайлов округларида овоз бериш якдиллик ва уюшқоқлик вазиятида ўтмоқда. Украинада СССР Олий Советига сайлов куни совет ватанпарварлигининг ёрқин намойишига, совет демократиясининг тантанасига айланди.

Партия, ҳукумат ва халқнинг бирлиги

ОЛМА-ОТА, 14 март (ТАСС). Заили Олатов чўққилари устида тонг ёришабошлаган пайтда Олмаотанинг юзларча аҳолиси байрамдагидек безатилган кенг проспектларни бўйлаб сайлов участкалари томон йўл олдилар.

Эрталаб соат олтида шаҳардаги ҳамма 139 сайлов участкасининг эшиклари кенг очилди. Эрталаб соат ўнгача кўп сайлов участкаларида сайловчиларнинг кўпчилиги овоз бериб бўлди.

Қозоғистоннинг шарқи-шимолий областьларидаги сайлов участкаларига тубжой аҳолиси блан бирга Москванинг, Украинанинг, Кубаньнинг, Сталинград, Тамбов областьларининг ва РСФСР даги бошқа областьларнинг партия чақириғига мувофиқ қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун бу ерга келган мингларча вакиллари ҳам келдилар.

Акмолинск область, Есиль районидаги Красивое қишлоғи. Бу районнинг колхозлари 70 минг гектар қўриқ ва бўз ерни ўзлаштиришлари, шу жумладан кўкламда 11 минг гектар қўриқ ерга буғдой экишлари керак.

Бугун Красивое сайлов участкасида эрталабдан буён ашула овозлари янграйди. Москва вакиллари — МТС ҳузуридаги тракторчилар курсининг ўқувчиси И. Бабинков; яқинда Москвада слесарь бўлиб ишлаган А. Михальчев, Украинадан келган трактор бригадаларининг бошлиқлари И. Шпилева, Г. Ценова, МТС автомеханиги С. Литовко ва бошқалар овоз бергани келдилар.

Қозоғистонда СССР Олий Советига сайлов партия, ҳукумат ва халқнинг бирлигини ёрқин ифода қилган намойишга айланди.

Халқларнинг қардош оиласида

АШХОБОД, 14 март (ТАСС). Эрта тонг... Туркманистон пойтахтининг кенг кўчалари байрамдагидек ясанган кишилар блан тўлди. Туркманлар ва руслар, украинлар ва арманлар, қозоқлар ва озарбайжонлилар бормоқдалар.

Соат олти. Ашхабод-Андреев сайлов округининг 42/14-нчи сайлов участкаси жойлашган Дзержинский номли йигируву тўқув фабрикаси клубига комбинатнинг тўқувчилари ва қуручилари тўпландилар. Улар депутатликка кандидат қилиб туркман халқининг садоқатли қизи А. Овезовани кўрсатганлар.

Тўқувчилар, йигирувчилар, инженерлар, техниклар бирин-кетин ўз гражданлик бурчларини адо этмоқдалар. Улар блан биргаликда бу ерда фан ва сан'ат арбоблари овоз бермоқдалар.

Ашхобод районидаги Ворошилов номли колхознинг мактабида Ашхобод-Сталин сайлов округининг сайлов участкаси жойлашган. Соат олтида участка сайлов комиссиясининг раиси ўртоқ Бердиев сайловчиларни умумхалқ байрами блан қутлаб, овоз беробошлашга таклиф қилди. Биринчи бўлиб ўқитучи О. Муҳамедов овоз берди. Унинг кетидан 84 ёшли колхозчи А. Нуриев, аспирантлардан А. Уллукберлиев ва В. Баллакаев, инженер К. Бердиев, машинист Юсуф Оташев ва бошқалар овоз бердилар.

Туркманистоннинг шаҳар ва қишлоқларида СССР Олий Советига сайлов сиёсий активлик ғоят ошган бир вазиятда ўтмоқда.

Тошкентга келган меҳмонлар овоз бердилар

Сайлов участкаси Тошкент станциясидаги пассажирлар вокзалининг энг яхши биноларидан бирида жойлашган. Ўзбекистон пойтахтига келган меҳмонлар буерга кетма-кет келиб турибдилар. Ана отпуска олиб Новосибирскдан ўз ўғиллари олдига меҳмон бўлиб келган эри-хотин Яков Филиппович ва Галина Львовна Лезинлар бюллетень олмоқдалар.

— Мен 70 ёшга кирдим,—деди Яков Филиппович. Менинг невараларим олий ўқув юртини тамомлаётирлар. Лекин мен ҳали бақувватман, совет юртида яшаш бахтли ва қувончли.

Участка сайлов комиссиясининг раиси ўртоқ В. Н. Вижленков бундай деб айтади:

— Бугун бизнинг сайлов участкамизда бепоён Ватанимизнинг турли жойларидан келган одамлар бўлди. Отпуска олиб Одессадан келган ҳарбий хизматчи И. А. Абдуқодиров, Сталинград областидаги «Ак-Қайчагай» совхозининг ишчиси Н. Исмоилова ва бошқа кўп кишилар овоз бердилар.

Станцияга поездлар бирин-кетин келиб турибди, участкага келаётган кишилар сони ҳеч камаймаётир. Совет ватанпарварлари бахтли ва қувончли ҳаёт учун, севикли социалистик Ватаннинг янада яшнаши учун овоз бермоқдалар.

(ЎзТАГ)

СССР Олий Советига сайлов. **Суратда:** 1. (чапдан): Лазарь Моисеевич **Каганович** Октябрь районидаги 34/34-нчи сайлов участкасида овоз бермоқда. 2. Фрунзе районидаги 96/47-нчи сайлов участкасида овоз бериш пайти.

И. Душкин, Д. Мазур фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Областимиз меҳнаткашлари Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун, коммунизм ғалабаси учун овоз бердилар

Суратда (чапдан): 1. Тошкентдаги 99/50-нчи сайлов участкасида овоз бериш пайти. Олдинги қаторда ёш сайловчи **Санобар Жалилова ва Аҳмаджон Гофуровлар** овоз бермоқдалар. 2. Чирчиқ шаҳридаги 141/105-нчи сайлов участкасида. (чапдан): электрохимия комбинатининг контроль-ўлчов цехи приборчиси **Л. Свакова** биринчи марта овоз бермоқда. У блан бирга комбинатнинг старший аппаратчиси **А. Раҳимов** ҳам овоз бераётир. 3. Оржоникидзе район, «Қизил Ўзбекистон» колхозидаги сайлов участкасида колхозчи, Қаҳрамон она **Замира Дадабоева** (ўртада) ва унинг қизи — **Карима** ҳамда 98 ёшли кекса колхозчи **Холматоталар** овоз бермоқдалар.

А. Палехов, В. Салов, С. Кропивницкий, И. Душкин фотолари.

Фаровон ҳаёт ва порлоқ истиқбол намойиши

Шундай тунлар ҳам бўладики, кўз юмган блан уйқу келмайди. Узоқ-яқин йилларнинг хотираси ҳаёлни чулғаб олади. Кишининг руҳий ҳолатида ўзгаришлар бўлиб туради. Кишн завқланади, ҳаяжонланади. Аммо буни бошқалар сезмайдилар.

Яков Иванович тунни ана шундай безовталик блан ўтказди. Соат беш бўлмасданоқ тараддудга тушиб қолди, кўчага чиқди.

Ҳаммаёқ байрамдагидек безатилган, кўчалар гавжум. Машиналарнинг фараси кўзни қамаштиради. Яков Иванович Горбач Тошкент темирйўлчиларининг Маданият саройи томон боради. У биринчи бўлиб бюллетень олиш ниятида тунни уйқусиз ўтказган эди. Яков Иванович саройнинг мухташам биносига яқинлашганда «биринчи бўлиш» бошқа сайловчиларнинг ҳам орзуси эканлигини тушунди. Катта зал одамлар блан лиқ тўлган эди. Улар орасида таниш кишилар ҳам кўп.

Ана, пенсионер Г. С. Шереметьев. У, Яков Иванович 1913 йилдан бери ишлаётган Каганович номли заводда 40 йил ишлаган. Бу икки мўйсафид ўз умрида кўп нарсаларни кўрган. Туркистонда Октябрь ғалабасини та'минлаш учун қўлга қурол олиб қаҳрамонона қурашган қизил шарқчилардан. Уларни сайловчиларнинг кўпи танийди, ҳамма ҳурмат қилади.

Кекса пенсионер Г. С. Шереметьев ва Я. И. Горбачлар биринчи бўлиб бюллетень оладилар...

— Юр қария, — деди Яков Иванович, дўстига, — овоз бериб чиқайлик. Мен шундай ҳурматли киши бўлармиз деб, революциядан олдин хаёлимга ҳам келтирмас эдим. Эсингдадирмо? Ишлигимиз йўқчилик, муҳтожлик блан ўтди. Мана энди инсоннинг қадри-қиймати ошиб қолди. Қариганимизда бахт келганига қувонаман. Раҳмат. Ҳаммаси учун раҳмат!

Улардан кейин Светлана Комиссарова бюллетень олади. Светлана 98-нчи мактабнинг 10-нчи синфида ўқимоқда. Унинг соф қалби совет ёшларига бахтиёр ва қувноқ ҳаёт яратиб берган Коммунистик партияга муҳаббат ва садоқат блан тўлган. У, билим чўққисини эгаллаб, коммунизм қурилишининг актив иштирокчиси бўлиш орзуси блан яшамоқда ва ўқимоқда. Светлана бюллетеньга кўз ташлаб, Лазарь Моисеевич Каганович ва Мас'уда Муҳамаджоновна Султоналарнинг номини ўқир экан, яна ҳаяжонланади ва шахтам қадам ташлаб, овоз бериш хонасига киради.

Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлик заводининг клуби кўркам безатилган. Бу ерда ҳам Коммунистик партия ва Совет давлатининг кўзга кўринган арбоби Лазарь Моисеевич Каганович ва Ленин номидаги Тўғи Осиё Давлат университетининг доценти Мас'уда Султонова депутатликка кандидат қилиб рўйхатга олинганлар.

Сайловчилар соат олти бўлишини кутиб, ўз кандидатлари тўғрисида, севикли Ватан ва бахтиёр ҳаёт тўғрисида қизғин суҳбатлашмоқдалар. Сайловчиларнинг кўпчилиги сайловолди мусобақасининг иштирокчилари ва илғорлари.

«Ташсельмаш» заводи умумхалқ байрами шарафига пландан ташқари ўнларча пахта териш машиналари, пахта тозалаш ва пневматика ускуналари берди. Запас қисмлар тайёрлаш юзасидан берилган топшириқларни ҳам анча ошириб бажарди. 500 дан ортиқ машинасозлар бешйиллик планни ошириб бажардилар. Завод коллективи маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига миллион сўмдан ортиқ маблағ тежади.

Соат роса олти бўлганда сайлов комиссиясининг раиси В. К. Ларенов сайловчиларни овоз бериш залига таклиф қилади.

Биринчи бўлиб вагранщик Т. Рўзматов бюллетень олади. Унинг кўкрагини Ленин ордени безатиб турипти. Кекса машинасоз сайлов кунини бешйиллик бошидан бери ўнйиллик нормани бажариш блан кутиб олди. У жуда кўп рационализаторлик таклифларининг авторидир.

— Коммунистик партия ва Совет ҳукумати, — деди у, — менинг ўлкам — Ўзбекистоннинг қиёфасини тубдан ўзгартирдилар. Республикамиз қолоқликдан кутулиб, гуллаб-яшнаётган ўлкага айланди. Бутун Шарқ ва Осиёнинг мазлум халқлари бизга умид ва орзу блан қарамоқдалар. Улар бизнинг мисолимизда капитал қуллигидан озод бўлишни истайдилар. Мен коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатларига овоз бериш блан янада порлоқ ва бахтиёр ҳаёт учун, мамлакатимизда коммунизм жамияти қурилиши учун овоз бераман.

Лена Крючкова 18 ёшга тўлди. У, сайлов қутиси ёнига биринчи марта бормоқда. Ленин комсомоли тарбиялаган бу қиз ўз ҳаяжонини яшираолмасдан завод коллективининг ишлаб чиқариш соҳасидаги муваффақиятларини кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшишга сўз беради.

Тошкент Ленин сайлов округининг ҳамма сайлов участкаларида халқ байрами тобора қизғин тус олади. Сайловчилар кетма-кет келиб турадилар. Бутун-бутун оилалар тўп бўлиб ўз гражданлик бурчларини бажариш учун сайлов участкаларига келмоқдалар. Турли касбдаги, турли ёшдаги ва турли миллатдаги совет кишиларининг қалби Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига чексиз миннатдорлик ҳисси блан тўлиб-тошгандир. Ана, Сталин мукофоти лауреати Г. И. Волков блан бирга, завод ишчиси Муҳаммаджон Тўхтамуродов ва слесарь Турди Ҳасановлар бюллетень олмоқдалар. Уларнинг юзларида ғ ғодлик аломатлари мавж урмоқда.

Музиканинг ёқимли овози борган сари авж олади. Сайлов участкасининг олдида завод ҳаваскорлар тўгарагининг а'золари ўз санъатларини намойиш қиладилар. Ёшлар танцага тушадилар, қарияларга чапак чаладилар. Хушчақчақ ўйин-кулки халқ байрамини янада қизитади.

Қуёш кўтарилиб, бутун атрофга заррин нур сочиб турипти. Ҳали кун ярим бўлган эмас, аммо сайловчиларнинг кўпчилиги овоз бериб бўлди.

Н. ЮСУПОВ.
А. ДЕМИДОВ.

Совет ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун

Сталин сайлов округидаги тўқимачилик институтининг биносига жойлашган 100/51 сайлов участкасидаги сайловчилар тонг ёришиш—соат олти бўлишини сабрсизлик блан кутдилар. Ҳамманинг фикри-хаёли, умид ва орзуси тезроқ тонг отишида эди. Чунки улар СССР Конституциясида қонунлаштириб мустаҳкамланган ўзларининг муқаддас ва улуғ гражданлик бурчларини бажариш ва тезроқ бюллетень олиб, сайлов қутилари ёнига бориб ўз кандидатлари учун овоз беришга шошилар эдилар.

Сайлов Низомига мувофиқ овоз бериш эрталаб соат олтидан бошланиши лозим бўлса ҳам, кўп сайловчилар соат бешдаёқ сайлов участкасига келган эдилар.

Тўқичиларнинг маданият саройидуховой оркестри партия ва Ватан ҳақидаги ажойиб мелодияларни чалади. Музиканинг янгроқ овози янги социалистик шаҳарчанинг ҳамма томонига янграб эшитилади.

Соат олти. Сайлов комиссиясининг раиси ўртоқ В. И. Переображенский сайловчиларни умумхалқ байрами — СССР Олий Советн сайлови куни блан табриклаб, уларни овоз беришга таклиф қилди.

Ҳаммадан олдинги қаторда беш қиз турар эди. Улар овоз бериш ҳуқуқига биринчи марта муяссар бўлган; Сталин номидаги тўқимачилик комбинати йигирув фабрикасининг контролёри Воробьева, тўқимачилик институтининг студенти Трофимова, физкультура техникумининг студенти Голованова, Тўқимачилик фабрикасининг ҳисобчиси Буточкина, 47-нчи мактаб 9-нчи синф ўқучиси Азалилова ўртоқлар беҳад севиниб, тўлқинланиб биринчи бўлиб бюллетень олдилар. Қизлар сайлов қутилари ёнига келиб, коммунистлар блан партиясизларнинг мустаҳкам блоки кандидатлари—Сталин номидаги тўқимачилик комбинатининг донгдор тўқучиси Евдокия Федоровна Визгалова, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Амин Эрматович Ниёзов ўртоқлар учун овоз бердилар.

Сайлов қутиси олдига биринчи бўлиб келган ўртоқ Трофимова, тўқимачилик институтининг барча студент-ёшлари ва овоз бериш шарафига биринчи марта эга бўлган ўртоқлари исмидан бундай деди:

— Биз ёш сайловчилар бахтиёр келажагимизга яхши умид ва зўр ишонч блан қараймиз. Биз институт қучоғидан мутахассис кадрлар бўлиб етишиб чиқиб, ўз билим ва қучимизни Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш ва халқимиз фаровонлигини янада оширишга сарф қиламиз. Биз коммунистлар блан партиясизларнинг мустаҳкам ва енгилмас блоки учун, коммунистлар партиясининг доно сиёсати учун, жонажон совет ҳукуматимизнинг куч ва қудратини мустаҳкамлаш учун, порлоқ келажагимиз—коммунизм учун овоз берамиз.

Бу сайлов участкасида руслар, ўзбеклар, арманлар, тожиклар, грузинлар, қозоқлар, қирғизлар ва турли миллат кишилари ҳамжиҳатлик блан ўз кандидатлари учун овоз бердилар.

Улар халқ фаровонлиги тўғрисида тинмай ғамхўрлик ва меҳрибонлик қилаётган коммунистик партия, совет ҳукумати учун овоз бердилар.

А. РАҲМАТ.

БУЮК БИРДАМЛИК

Чирчиқ корхоналари СССР Олий Совети сайлови шарафига олган мажбуриятларини муддатидан илгари ортиғи блан бажардилар. Пландан ташқари қўшимча бирнеча минг тонна минерал ўғит ва қишлоқ хўжалиги учун кўплаб машиналар етказиб берилди. Пойафзал фабрикасининг ўртоқ Демилов бошлиқ биринчи цехи сайлов шарафига бошланган социалистик мусобақада ғолиб чиқди. Бу цех коллективи ўн кунда пландан ташқари 400 жуфтга яқин пойафзал тайёрлади.

Бинокорлар ҳам сайлов кунини муносиб кутиб олдилар. Ўртоқ Соколов бошлиқ 3-нчи участка, ўртоқ Мартисевич раҳбарлигидаги дурадгорлар бригадаси февраль ойи ичида бирярим ойлик иш нормасини бажарди. Бетончилар бригадаси ҳам яхши натижаларга эришди.

Чирчиқ шаҳри кеча ҳақиқий байрам тусини олди. Бир гуруҳ сайловчилар Каганович кўчасидаги 141/105-нчи Маъмурият сайлов участкаси томон кетмоқда. Улар байрамдагидек ясанган. Сайлов участкасига тўпланган сайловчилар бирбирларини умумхалқ байрами блан қизғин табриклашмоқдалар.

Эрталаб соат беш ярим бўлганда участкага 600 дан ортиқ сайловчи тўпланди. Улар коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари учун овоз бериш вақтини интизорлик блан кутмоқдалар. Соат роса олти бўлганда овоз бериш бошланди. Бюллетеньни биринчи бўлиб пенсионер Гуляшева ва ёш сайловчи Бўйдабекова олдилар. Кекса сайловчи 84 ёшли София Гройс бюллетеньни сайлов қутисига ташлар экан, беҳад қувониб, бундай деди:

— Мен Лазарь Моисеевич Каганович ва Малик Абдураззоқов ўртоқларнинг кандидатураси учун овоз бердим. Бу блан мен бошқа сайловчилар қаторида мамлакатимиз куч-қудратининг янада мустаҳкамланишига, она-Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшган бўламан.

Мана, Химия комбинатининг биринчи цех смена бошлиғи ўртоқ Қодиров ўз хотини блан бюллетень олаяпти. У, сайлов қутисига бюллетеньни ташлар экан, қуйидагиларни айтди:

— Совет халқларининг қардошлик оиласидаги барча совет кишилари бирбирларига ўзаро ёрдамлашиб, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм жамиятини муваффақиятли равишда қурмоқдалар. Биз ҳозир шу бузилмас дўстлигимиз, ҳамкорлигимизнинг янада мустаҳкамланиши учун овоз бердик.

«Сельмаш» сайлов участкаси ҳам байрам тусини олган. Бу ерга ёшлар, кексалар, Чирчиқ корхоналарининг донгдор ишчилари, новаторлари ўзларининг гражданлик бурчларини бажариш учун келганлар. Октябрь социалистик революциясининг қатнашчиси, Улуғ Ватан урушининг кекса жангчиси, ҳозирда «Чирчиксельмаш» заводи асбосозлик цехининг мастери Афанасий Григорьевич Григорьев ва ёш сайловчи Виктор Бойко биринчи бўлиб овоз бердилар.

Эрталаб ҳали соат олти бўлмасданоқ ИПР сайлов участкасида анча киши тўпланган эди. Уларнинг қалби умумхалқ байрами шодиёнаси блан тўлиб-тошган. Сталин номли электрохимия комбинатининг смена бошлиғи Сафонов ва комбинатнинг бешинчи цех дурадгари Годун ўртоқлар биринчи бўлиб овоз берар эканлар, меҳнаткашларга бахтли ҳаёт яратиб берган Коммунистик партия ва Совет ҳукуматидан чексиз миннатдор эканликларини изҳор қилдилар.

Сайлов участкасига овоз бериш бошланишидан анча олдин келган 71 ёшли пенсионер Е. А. Александрова овоз бериб бўлганидан кейин шундай деди:

—Болаларим, мен биринчи бўлиб овоз беришни кўпдан буён орзу қилар эдим. Ана шу бахтга мана ҳозир муяссар бўлдим. Мен бахт-саодатимиз учун, она-Ватанимиз учун, шонли Коммунистик партиямиз учун овоз берганим учун ҳам ўзимни чексиз бахтиёр ҳисоблайман.

Александровадан кейин кекса сайловчилардан Нурмат Бекбўтаев, унинг хотини, II боланинг онаси Зуҳра Бекбўтаева ва уларнинг ўғиллари, комбинат ишчиси Зубай Нурматов, шофер Ҳамид Нурматовлар овоз бердилар.

Сайлов участкаларида кундуз соат 12 да қарийб ҳамма сайловчи овоз бериб бўлди.

Т. УНАБОЕВ.
А. АБДУРАЗЗОҚОВ.

Партия ва ҳукуматимизга садоқатимиз чексиз

41-нчи сайлов участкасида сайловчилар эрталаб соат 12 дан 45 минут ўтгандаёқ овоз бериб бўлдилар. Лекин, одамлар тарқалишмас эди. Айниқса дам олиш хонаси кишилар блан тўла. Сайловчилар ҳар икки соатда чиқариб турилган «Сайловчилар овози» деворий газетасини иштиёқ блан ўқийдилар, ўзаро суҳбатлашадилар.

Кўн заводининг ишчиси ўртоқ Ёқубжон Ҳамроев қувониб дўстларига дерди:

— Икки ойда тўрт ойлик планни бажардим. Ватанимиз бундан ҳам яшнасин, гулласин! Тилак ва орзуларимиз шу.

«Сайловчилар овози»нинг 3-нчи сонида уй иши блан шуғулланучи Ра'ноҳон опа Розиқованинг ҳикояси босилиб чиқди. Ґазетанинг бу сони ёпиштирилиши блан уни ҳамма ўраб олди. Ҳиковда бундай деб ёзилган:

— 4 йил унча катта муддат эмас. Аммо бизнинг оиламиз учун бу тўрт йил бахтиёр йиллар бўлди. Оилада бўлган ўзгаришларнинг энг йиригини санаб берай: қизим Санталатхон 10 синфни олтин медаль блан тамомлаб, Ўрта Осиё политехника институтининг энергетика факультетига ўқишга кирди. Ўтган йили ёзда Москва ва Киевга саёҳат қилдик. Саёҳат Куйбишевдан Москвагача, Волга-Дон каналида пароходда юриш блан бошланди. Рўзғоримиз анча бутланди: бир гилам, бир радиоприёмник, бир соат, бир болалар велосипеди олдик. Энди, холодильник олмоқчимиз.

Ҳурматли сайловчилар! Сизнинг ҳар бирингизнинг оилангизда ҳам тўрт йил ичида шундай ўзгаришлар бўлган. Мен бунга аминман. Аммо, гоҳо биз буни сезмай қоламиз. Бир ўйлаб кўрингларчи? Масалан, биз турадиган кўчадаги хонадонларнинг ҳаммасида ҳам турмушимизни яхшилайдиган, безайдиган шундай воқиалар бўлди. Буларнинг ҳаммаси учун жонажон Совет ҳукуматимизга, ғалабаларимизнинг ташкилотчиси Коммунистик партиямизга минг-минг раҳмат.

Соат ўнларда сайлов участкасига уч ҳарбий йигит кириб келди. Улар комиссияларга «овоз бериш ҳуқуқи» гувоҳномаларини кўрсатгач, бюллетень олдилар. Улар:

Флотдан келган старший матрос Виктор Иванов, ҳарбий хизматдан келган сержант Рўзим Йўлдошев, рядовой Аҳмаджон Тошбўтаев ўртоқлар эдилар.

Буларнинг уччаласи ҳам жанговар ва сиёсий тайёргарлик а'лочилари, уччаласига ҳам та'лимда қозонган муваффақиятлари учун қўмондонлик томонидан қисқа муддатлик отпуска берилган. Улар сайлов арафасида Тошкентга, ўз ёру-биродорлари ёнига етиб келганликлари ва халқ блоки кандидатлари учун овоз бериш шарафига муяссар бўлганликлари учун қувонардилар.

Иванов ҳам, Йўлдошев ҳам, Тошбўтаев ҳам овоз бериб чиқдилар. Кўзлар девордаги фотовиставкага тушди. Улар ғалабаларимиз тасвирланган бу суратларни суқланиб тамоша қилар эдилар. Хотин-қизлар, айниқса болалар уларга чекка-чеккадан термулиб қарашарди. Шунда Жоҳонбиби исмли оддийгина бир кампир уч ҳарбий йигитнинг ёнига келиб, уларнинг елкасига қоқиб кўришди, бармоқларининг учи блан ҳарбийлар пешонасини бир-бир силаб, қўлини ўпиб қўйди.

— Барака топинглар, ўғилларим, — деди Жаҳонбиби уларга қараб,—илоё омон бўлинглар.

* * *

Кеча СССР Олий Советига сайлов ўтказган бу сайлов участкасида кечкача шоду-хуррамлик, ўйин-кулги, чинакам халқ байрами бўлди. Сайловчилар ўзларига бахтли ҳаёт яратиб берган Коммунистик партия ва Совет ҳукуматидан чексиз миннатдор эканликларини яна бир карра изҳор қилдилар. Бу ерда коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. Ниёзов ва Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари М. Абдураззоқов ўртоқлар учун ҳамма овоз берди.

Х. ФАТХУЛЛАЕВ.

Скорий поездда

Март тонги. Вагонларнинг деразаларидан станциялар, разъездлар, қишлоқлар кўзга чалиниб қолади. Сталинобод-Москва ўртасида қатнайдиган скорий поезди Урсатьевская станциясига яқинлашиб келмоқда. Эрталаб соат олти. Участка комиссиясининг раиси ўртоқ Колокольцев пассажирларни махсус вагонга таклиф этади. Бу вагонда сайлов участкаси жойлашган. Пассажирлар ўртасида байрам руҳи сезилиб турибди. Пелагея Федоровна Данилова биринчилар қаторида ўз гражданлик бурчини ўтайди. У, Москвага қизи ёнига бормоқда.

Тожикистон педагогика институтининг студенти Геннадий Мельничков бюллетень олади. У биринчи марта овоз бермоқда.

— Бу йил менга 18 ёш тўлди,—деди у. Мен сайловда қатнашаётганлигим учун бениҳоя хурсандман. Мен Ватанимизнинг энг яхши кишилари учун овоз беришим блан бахтли ёшлигимиз учун, совет ёшларини оналарча меҳрибонлик блан тарбиялаётган Коммунистик партия учун овоз бераман.

Эрталаб соат 9 гача 23-нчи поезддаги ҳамма сайловчилар овоз бериб бўлдилар. (ЎзТАГ).

Бахтли ва қувноқ ҳаёт тантанаси

Байрам либосига бурканган қишлоқлар эрта уйғонди. Зафарлардан-зафарларга элтучи ана шу тонг пайти ёшларнинг қўшиқларида, кексалар кулгусида, қувноқ болалар қийқириғида шоду-хуррамлик, гўзаллик кашф этади. Яшнаб турган Ильич нури қоронғуликни ёриб, социалистик қишлоқни намоён қилиб турипти. Тўғри, кенг кўчалар атрофига қурилган чиройли уйлар, қўша-қўша мактаблар, магазинлар, колхоз марказидаги жамоат бинолари бу ерларга шаҳар тусини киритган.

Бир группа сайловчилар блан ҳамроҳ бўлиб борардик.

— Атрофга назар солсанг, кўзинг қувнайди, — гап бошлади ўрта ёшли киши, — бундан олдинги сайловда ҳам овоз беришга шу кўчадан борган эдик. Тўғри, у вақтда янги уйлар бунчалик кўп эмас эди. Анови бедазор ўрнидан ўша пайтда яントоқ ўрардик. Ерларимиз кенгаймоқда, шўра, яントоқар ўсган ташландиқ ерлар унумдор пахта далаларига, мевазор боғларга айлантирилаяпти. Қўлимизда кучли техника бор, бундан кўпроқ ишларни ҳам қилаоламиз.

Сайловчилар ўтган йиллар ҳақида мамнуниятлик блан гап юритар эканлар, эртаги кунларига эўр умид, қайноқ орзуга тўлиб-тошган ҳолда қарайдилар.

Қишлоқнинг ҳамма томонидан тўхтовсиз эшитилиб турган кишиларнинг ўйин-кулгиси тобора яқинлашиб, сайлов участкаси биноси ёнига келгач, эўр тантанага қўшилиб авжга чиқади.

Овоз бериш бошланганлиги тўғрисидаги хушхабардан кейин кишилар оқими сайлов участкасининг чиройли биносига кирабошлади. Пахтакорлар, чорвадорлар, механизаторлар сайлов қутиси ёнидан бирин-кетин ўтадилар. Уларнинг чеҳрасида севинч, қувноқлик порлайди...

Ҳозиргина гражданлик бурчини адо этган ёш пахтакор Қудрат Қораҳонов-нинг хурсандлиги чексиз. У бундай деди:

— Мен Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Усмон Юсупов, Октябрь районидаги Каганович номли колхознинг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов ўртоқлар учун овоз бердим. Давлатимизнинг олий органига юбораётган вакилларимиз бизнинг ишончимизни ҳаммавақт шараф блан оқлайдилар. Биз жонажон Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида ҳормай-толмай меҳнат қиламиз. Колхозимизнинг пахтакорлари бултур гектаридан 36 центнердан ҳосил етказиб бердилар. Мен бошлиқ бригада а'золари ҳосилни гектарига 40 центнерданга етказдилар. Бу йилги мўлжалимиз 50 центнердан.

Сайлов участкасига колхознинг донгдор звено бошлиғи, Сталин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назаралиота Ниёзов киради.

— Партия ва ҳукуматимиз, — дейди у, — биз пахтакорлар тўғрисида ҳаммавақт меҳрибонлик қилиб келмоқдалар. Биз бу ғамхўрликка меҳнатимиз блан жавоб бермоқдамиз. Пахта ҳосили йил сайин кўпаймоқда, чорвамиз ривожланаётир, сигирларимиздан кўплаб сут согиб олмоқдамиз. Бадавлатли, маданий турмуш кечираётибмиз.

Назаралиота Ниёзовдан кейин овоз бериш учун колхознинг уста пахтакорлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Тилла Тўронов, Абдималик Шерматовлар кириб келадилар. Уларнинг колхозда пахтачиликни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссалари катта. Улар бошлиқ звеноларга ҳар йили пахтадан мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Уста пахтакорларнинг тажрибаси колхозда кенг қўлланилиб, умумий юксалишга эришилаётир.

Худди шу пайтда Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхозининг сайлов участкасидан бошқа участкаларда ҳам овоз бериш кўтаринки руҳ, баланд сиёсий активлик блан ўтаётган эди.

Янгийўллик минглаб сайловчилар сайлов қутилари ёнига келиб бахтли ва қувноқ ҳаётларига ўнаётган, мамлакатимизда қиймати хомашё бўлган пахтачиликни янада ривожлантириш, халқимизнинг бундан ҳам яхшироқ турмуш кечириши учун овоз бердилар.

С. МАҲКАМОВ.

Бахтли келажагимиз — коммунизм учун овоз бердилар

Киров районидаги 103/70-нчи сайлов участкаси жойлашган 143-нчи мактаб биноси байрамлардагидек безатилган. Соат олтига яқинлашиш бланоқ барча сайловчиларни ўз кандидатлари учун овоз беришга чақиручи карнай-сурнай овозлари янграб эшитиларди.

СССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатилган Лазарь Моисеевич Каганович ва Малик Абдураззоқов ўртоқларнинг таржимаи ҳоли ва иш фаолияти блан яхши таниш бўлган сайловчилар сайлов участкасига келиб, сайлов бошланишини кутиб газета, журнал ўқиб ўтирар эдилар.

Соат роса 6 да сайлов комиссиясининг раиси ўртоқ А. И. Глухой сайлов бошланганини э'лон қилиш блан, сайловчиларни ўзларининг гражданлик бурчларини адо этиш учун овоз беришга таклиф этди.

Ундан сўнг кекса ишчи—пенсионер ўртоқ Абдураҳмонов сўз олади. У ўз сўзида барча сайловчиларни, коммунистлар блан партиясизлар блокининг кандидатлари учун овоз беришга чақиради.

Шундан сўнг сайловчилар овоз беришга киришдилар. Сайлов бюллетенини биринчи бўлиб химия фанлари кандидати Зарифа Саидносирова олади. Унинг кетидан Сталин мукофоти лауреати, академик Ойбек, кекса ишчи ва пенсионерлардан Мўминхўжа Раҳимхўжаев, Абдувоҳоб Абдурахмонов, Мўминхўжаева ва сайловга биринчи марта қатнашучи, ўймакорлик мастерскойининг ишчиси Султонова, Охунбобоев номидаги медицина техникумининг студентлари К. Богачева, В. Бессонова, ишчи Иброҳимовалар овоз бердилар.

Бу участкада, СССР Олий Советига сайлов сайловчиларнинг сиёсий активлиги блан ўтди. Улар бахтли келажагимиз—коммунизм учун овоз бердилар.

С. САИДХЎЖАЕВ,
С. ХУЖАМОВ.

Кўкламги экишга ҳамма нарсани тахт қилиб қўяйлик!

☆ ☆ ☆

Бўкада агротехника қоидалари бузилмоқда

(«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбиридан)

Бўка райони областимизнинг асосий пахтакор районлардан бири. Ўтган йил районда йиғим-терим ишлари пухта уюштирилмаганлиги учунгина план бажарилмай қолди. Район раҳбарлари «планни бажаришимизга озгина қолган эди, аммо бор имкониятлардан фойдаланолмадик...» деб афсусланадилар.

Бу йил район пахта майдонини кенгайтириб ҳар гектардан 25,7 центнердан ҳосил етиштириши керак. Иш ҳажмининг бунчалик кенгайиши кўкламги экишни пухта тайёргарлик блан ўтказишни талаб қилади. Кўкламга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги ма'лумотлар бу ишнинг пухта ташкил этилмаётганлигини кўрсатади. Район раҳбарлари ўтган йилдаги хатолардан тегишли хулоса чиқармаганлар ва ҳали ҳам «вақт эрта, ҳаво жўнашиб кетса, ишларимиз тарақлаб кетади» деб хотиржам юрмоқдалар.

Районда экин майдонларининг мелиоратив аҳволини қат'иян яхшилаш керак. Броқ ирригация-мелиорация ойлиги бошлангандан бери кунлик графиклар ҳеч бажарилмай келади. Бу ишга график бўйича белгиланган кучлар тўла сафарбар этилмайди. Шунинг натижасида ариқ-зовурлар қазиш плани эндигина 42 процент бажарилди.

Минерал ўғит ташиш ва маҳаллий ўғитни далага чиқариш иши ҳам жуда суст бормоқда. План бўйича ташиб келтирилиши лозим бўлган минерал ўғитнинг 50 процентини ҳам колхозлар ташиб олганлари йўқ. Маҳаллий ўғит тайёрлаш плани эса эндигина 20 процент бажарилди. Шунинг натижасида ҳайдаш олдидан ерни ўғитлаш зарур бўлган ҳолда, айрим колхозлар агротехника қоидасини бузиб ерни ўғит солмасдан ҳайдаб юбормоқдалар. Масалан, Сталин номли колхоз 300 гектар пахта майдонини минерал ва маҳаллий ўғит солмасдан ҳайдади. Шу колхознинг 2-нчи участкасида 200 гектар ернинг ғўзапояси йиғиштириб олинмаган. Колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Иброҳимов ва бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Қаландаровлар кўкламги экишга тайёргарликни кучайтириш учун, колхозчиларни дала ишларига тўла сафарбар этиш учун қат'ий чоралар кўрмаётирлар.

Ленин номли колхоз раҳбарлари маҳаллий ўғит ташишга етарли аҳамият бермаётирлар. Агроном ўртоқ Насруллаев ўғит ташиш учун МТСдан «КД — 35» трактори келтирган эди. Лекин колхоз раҳбарлари ўғит юклаш учун куч ажратиб бермаганликларидан трактор икки кун бекор турди. 150 гектар пахта майдони ғўзапаядан тозаланиб ҳайдашга тайёрланиб қўйилган, броқ ўғит йўқлигидан ҳайдов тракторлари ишга туширилмаган.

«XIX партс'езд» колхозида ер ҳайдаш ишлари бошланган бўлса ҳам, лекин колхоз правлениеси тракторчиларга тегишли маиший шароит яратиб бермаган. Иссиқ овқат ва ётоқхона йўқлигидан тракторчилар ҳар куни 7—8 километрга қатнаб ишлашга мажбур бўлаётирлар. Колхоз раиси ўртоқ Алимов тракторчиларга ҳеч қандай ғамхўрлик қилмаётир. План бўйича берилган 345 тонна минерал ўғитдан 254 тоннасини колхоз омборига ташиб келтирилган. У ҳали ҳам, ҳайдалаётган ер бошига чиқарилгани йўқ. Шунинг натижасида 4-нчи ва 7-нчи бригаданинг ерларига минерал ўғит солинмай ҳайдалди.

Агротехника қоидаларини бузиш ҳодисалари Карл Маркс номли, Жамбул номли ва бошқа колхозларда ҳам юз бермоқда. Агрономлар колхоз правлениеларидан агротехника тадбирларининг тўла бажарилишини талаб қилмаётирлар.

Кўкламги дала ишларини қисқа муддатларда ўтказиш учун райондаги МТСларда кўрилаётган тайёргарлик ишлари ҳам мутлақо қониқарли эмас. Шуниси қизиқки, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг берган ма'лумотига кўра, 1-нчи МТС трактор ремонтини 106 процент бажарган. Аммо МТСда ремонт қилинмаётган тракторлар кўп. Ма'лум бўлишича, область қишлоқ хўжалик бошқармаси тракторларнинг ҳақиқий аҳволини билмасдан ремонт плани берган. Масалан, 47 трактор капитал ремонт қилиниши керак бўлгани ҳолда 29 трактор кўрсатилган, 40 трактор жорий ремонтдан чиқарилиши керак бўлгани ҳолда, 53 трактор кўрсатилган.

2-нчи МТС (директори ўртоқ Журба) трактор ремонтини барбод қилмоқда. Бу МТС план бўйича 101 тракторни ремонтдан чиқариши керак. МТС раҳбарлари ремонт ишини яхши ташкил этмаётганликлари, моддий-техника ресурсларидан тўла фойдаланмаётганликлари ва механизаторлар ўртасида социалистик мусобақани қизитиб юбормаганликлари учун эндигина 48 трактор ремонт қилинган.

Кўкламги дала ишларидаги уюшқоқсизлик, район ва колхоз раҳбарлари ўртасида зарарли хотиржамлик кайфияти ҳукм суриб келаётганлиги натижасида бу районда кўкламги экишга тайёргарлик ҳаддан ташқари суст бормоқда. Аммо район партия комитетининг секретари Аҳмедов ва район ижроия комитетининг раиси Тоҳиров ўртоқлар колхозчилар ва механизаторлар ўртасида социалистик мусобақани кучайтириш, оммавий-сиёсий ишларни йўлга қўйиш ва кўкламги дала ишларини оммавий равишда қизитиб юбориш учун тегишли тадбирлар кўрмаётирлар. Улар ғанимат кунларни самарасиз ўтказмоқдалар.

Б. ХАЛИЛОВ.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қишлоқ хўжалик институти агробиология лабораториясининг старший илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати А. А. Васильев бундан бир неча йил илгари чигитнинг гоммоз блан касалланишига қарши дорилаш усулини ишлаб чиққан эди. **Суратда:** ўртоқ **А. А. Васильев** Тошкент пахта тозалаш заводида пахтадан ажратиб олинган чигитни лабораторияда анализ қилмоқда.

С. Кропивницкий фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҚЎРИҚ ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРАМИЗ

Колхозимизнинг а'золари КПСС Марказий Комитети Пленумининг «Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида» чиқарган қарорини зўр мамнуният блан қарши олдилар.

Биз Пленум қарорларини ўрганиш блан бирга бу йилги қиладиган иш режаларимизни амалий равишда белгилаб чиқдик. Колхознинг бошқа а'золаридек бизнинг бригадамиз а'золари ҳам қарорга амалий иш блан жавоб бериб, қўриқ ерларни ўзлаштириш ва улардан муттасил юқори пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олдилар.

Мен бошчилик қилган бригада ўтган йили сув чиқмай ётган 50 гектар ерга насос блан сув чиқариб ишга солди ва ундан мўл ҳосил етиштириб, йиллик пахта тайёрлаш планини 110 процент қилиб бажарди.

Бу йил еримизга сувни ариқ орқали келтириб суғориш чорасини кўрдик. Бу эса ҳарбир гектар ердан камида 30 центнердан пахта ҳосили етиштиришимизга имкон беради. Биз янгитдан 10 гектар қўриқ ерни ишга солиш мажбуриятини ўз устимизга олдик ва уни ўзлаштиришга киришдик.

А'золаримиз Пленум қарорини ўқиб чиққач, дала ишларини ҳаркачонгидан ҳам кучайтириб юбордилар. 37 а'зонинг ҳаммаси бригада еридан 5 километр наридан маҳаллий ўғит ташиб келтирмоқдалар. Абдуманнон Солиев каби аравакашларимиз кунига 4—5 тоннадан маҳаллий ўғит ташиётирлар. Биз шу кунгача ҳарбир гектар ерга 8 тоннадан маҳаллий ўғит, 400 килограммдан минерал ўғит ташиб келтирдик, ариқ тозалаш ишлари тамомланди.

Бригадага қўшин бўлган Элмурод Раҳматов, Шамси Муллаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг а'золари ҳам Пленум қароридан руҳланиб кўпроқ пахта ҳосили етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бу бригаданинг а'золари 20 гектар янги ерни ўзлаштириш мажбуриятини олдилар. Ҳозир улар қарталарни йириклаштирмоқдалар, ариқ-зовурларни тозаламоқдалар, маҳаллий ўғитни далага чиқармоқдалар.

Колхозимизнинг а'золари КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорини изчиллик блан амалга ошириш ва яқин йиллар ичида 300 гектар фойдаланмаётган ерларни ишга солиш мажбуриятини олдилар.

Қанчалик кўп меҳнат қилиб янги ерларни ўзлаштирсак ва ундан мўл ҳосил етиштиришни та'минласак, ҳалқимизнинг фаровонлиги шунча яхшиланади.

Қобил ҚОДИРОВ,
Сирдар'ё район «Ҳақиқат» колхози 9-нчи бригадасининг бошлиғи.

Ёнилғилар тезда ташиб олинсин

Кўкламги экиш кампаниясини уюшқоқлик блан бошлаб юборишда машина-трактор станциялари зиммасига катта вазифалар юкланган. Ер ҳайдаш ва экиш ишларини муваффақиятли ташкил қилиш учун МТСлар етарли миқдорда ёнилғи жамғаришга катта аҳамият бериши зарур.

Лекин областнинг жуда кўп МТСларида ёнилғини олиб кетишга жиддий аҳамият берилмаётир. Ҳатто имконият яхши бўлган МТСларда ҳам бу ишга мас'улиятсизлик блан қараётирлар. Ўртачирчиқ районидаги 1-нчи МТСнинг (директори ўртоқ Қосимов) йўлининг яхшилигига қарамай ёнилғини олиб кетишга аҳамият бермаётир. Натижада биринчи квартал учун ажратилган 120 тонна керосиндан ҳозиргача 23 тоннаси олиб келтирилган, холос. Ховос 1-нчи МТС (директори ўртоқ Реткин) ҳам 430 тонна ёнилғидан 30 тоннасинигина ташиб олган. Бекобод 1-нчи МТСнинг директори ўртоқ Икромов бу ишга шунчалик бепарволик блан қараётирки, натижада МТС ўзидан атиги 1 километр нарида жойлашган базадан ажратилган ёнилғини ҳалигача тўла ташиб олмаган.

Гулистон, Мирзачўл районларига хизмат қиладиган беш МТСда ҳам ёнилғи ташиш ишлари қониқарсиз бораётир.

МТС раҳбарлари ёқилғини станцияга келтириш блан чегараланиб қолмасдан, балки колхоз правлениелари блан келишиб, ёнилғини колхозларга етказиб қўйиш чорасини кўрмоқлари ҳам керак. Лекин кўп МТС раҳбарлари бу иш блан шуғулланмаётирлар. Сирдар'ё 1-нчи МТСининг ёнилғи базаси МТСдан бирнеча километр узоқда туради, бу эса колхозларда дала ишлари бошланганда ўз вақтида ёнилғи келтиришни анчагина қийинлаштиради. Шунга қарамай ҳалигача бу МТСда ёнилғи келтириш ва колхозларга юборишни учун етарли транспорт ажратилмаган.

Бундай ўзибўларчиликка барҳам бериб, ҳарбир МТС ўзига ажратилаётган ёнилғиларни тезда ташиб олиш чорасини кўришлари керак.

М. ҒОЗИЕВ.
З. МУҲАМЕДЖОНОВ.

Партия чақириғига жавобан

Қуйичирчиқ районининг механизаторлари КПСС Марказий Комитети Пленумининг «Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида»ги қарорини баланд руҳ блан кутиб олдилар.

1-нчи МТСда қарор юзасидан қизғин суҳбатлар бораётир. Суҳбатларнинг бирида токарь ўртоқ К. И. Подгрядов қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун бошланган умумхалқ ҳаракатида фидокорона меҳнат қилишга тайёр эканлигини билдирди. Тракторчи комсомол а'зоси В. И. Радченко, шоферлардан Ф. Креев, М. Гречишников, И. Мальцев ўртоқлар бўз ерларни ўзлаштиришга юборишни сўраб ариза бердилар. Бунда улар янги ерларда ҳам самарали ишлаш учун ва'да қилганлар.

Пленум қароридан кейин кўп мутахассислар янги ерларда ташкил қилинадиган МТСларда ишлашга тайёр эканликларини изҳор қилмоқдалар.

Қ. ПЕРШЕЕВ.

Маҳаллий газеталар саҳифаларидан

КЎКЛАМ ЭКИШИГА ЗЎР ҲОЗИРЛИК КЎРАЙЛИК

Бу йил республикамиз пахтакорлари олдида жуда катта улуғвор вазифалар турипти. СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССРда 1954—1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорида республика колхозлари, совхозлари ва машина-трактор станциялари олдига 1954 йилда мамлакатга 3 миллион тонна пахта етказиб беришдек муҳим вазифа қўйилган.

Бунинг учун партия ва ҳукуматимиз колхозларга моддий-техника жиҳатидан жуда катта ёрдам кўрсатиб, уларнинг мустаҳкамланиши учун барча имкониятларни яратиб бермоқда.

Ўзбекистон КП Чиноз район комитети ва меҳнаткашлар депутатлари район Советининг органи **«Ленин байроғи»** газетаси, ўзининг 17-нчи сонида юқоридаги сарлавҳа остида бошмақола берган. Бошмақолада район колхозчилари олдида турган муҳим вазифаларга тўхталиб, қуйидагиларни ёзади:

«Бу йил район бўйича пахта майдони 500 гектарга кенгайтилиши ва ҳар гектар ердан 33 центнердан пахта ҳосили етказишимиз лозим».

Ма'лумки, бу вазифани муваффақиятли бажариш учун кўклам экиш олдидан колхоз далаларида жуда катта ҳажмдаги ишлар бажарилиши керак. Ернинг унумдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлган ирригация ва мелиорация ишларини яхшилаш, ер карталарини яхлитлаштириш, текислаш, трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини яхшилаб ремонтдан чиқариб, тахт қилиб қўйиш, далага маҳаллий ўғит чиқариш, минерал ўғитларни ва уруғлик чигитларни ташиб олиш юзасидан муҳим тадбирлар амалга оширилиши керак.

Газета район колхозларида кўклам дала ишларига тайёргарлик қониқарсиз бораётгани тўғрисида бундай деб ёзади:

«Лекин кўклам экишга тайёргарлик ишларининг бориши бу йил районимиз олдига қўйилган улуғвор вазифалар даражасида эмас. Белгиланган муддат тамом бўлаётганига қарамай, тракторларни дала ишларига ҳозирлаш ишлари қониқарсиз бормоқда. Айниқса Ворошилов номли, Молотов номли, Хрушчев номли ва Будённий номли колхозларда қишлоқ хўжалик машиналарининг ремонти кечиктирилмоқда. Шунингдек тракторларга тиркаб ишлатиладиган машина асбобларини тайёрлаш ишлари ҳам суст бормоқда».

ЖОНАЖОН ПАРТИЯМИЗ ЧАҚИРИҒИ БЛАН

Қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштириладиган районларга Москва шаҳри ва областидан жўнаб кетаётган комсомоллар йиғилиши қатнашчиларининг Совет Иттифоқи комсомолларига ва ёшларига қилган Мурожаати Оҳангарон шаҳар комсомоллари ва ёшлари орасида қўллаб-қувватланмоқда.

«Ўзбекистон шахтёри» газетасида цемент заводининг слесари, комсомол а'зоси ўртоқ Федор Елескин, юк ортиш-транспорт бошқармасининг слесари Борис Кумицкийлар берган аризаларининг мазмунини босиб чиқарган. Улар ўз аризаларида бундай дейдилар:

«Москва шаҳар ва область комсомол ҳамда ёшларининг Мурожаати бизга қаттиқ та'сир қилди. Жонажон Ватанимизнинг бир парча ери ҳам экилмай қолмаслиги учун курашишни ўзимизнинг комсомоллик бурчимиз деб биламиз. Шунинг учун бизни Олтой ўлкасидаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга юборишларингизни илтимос қиламиз».

Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга боришни орзу қилган комсомол ва ёшлар шаҳар комсомол комитетига кўплаб ариза бермоқдалар. Тоғ саноати мактабининг шофери Геннадий Галинин, унинг хотини Роза Кашмуллина, энергетиклардан Валентин Носков ва бошқа комсомол-ёшлар ҳам ариза бердилар.

Е. Г. ОСИНИНЛАР ОИЛАСИ

Чирчиқ шаҳрида рус тилида чиқадиган **«Сталинское знамя»** газетаси ўзининг яқинда чиққан 28-нчи сонида «Оддий совет оиласида» деган шапка остида электрохимкомбинатнинг цех мастери Е. Г. Осининлар оиласига бағишлаб бир саҳифа материал босиб чиқарган.

Газета ўзининг бу оила ҳақидаги кириш сўзида, — бугун биз электрохимкомбинатнинг цех мастери Евгений Григорьевич Осининнинг оиласи ҳақида ҳикоя қиламиз деб, бошлаб бундай дейди:

«Осинин оиласидаги кишиларнинг ҳаммаси электрохимкомбинат цехларида ишлайдилар. Унинг қизларидан Мина Евгеньевна лаборатория бошлиғи, Людмила Евгеньевна — старший диспетчер, ўғли Владимир 20-нчи цехда старший электрчи, унинг хотини Лидия смена бошлиғи бўлиб ишлайди».

Совет ҳукумати оила бошлиғи Евгений Григорьевичга бахтли кексалик, ҳурмат ва иззат берди. Осининнинг фарзандлари олий ва ўрта техника ма'лумоти олдилар. Уларнинг ҳаммаси актив жамоатчи, ишлабчиқаришнинг илғорларидир. Бу оиланинг бюджети йилдан-йилга ошмоқда. Фақат ўтган йил ичида Осининлар узоқ йиллик хизматлари учун 9 минг сўмдан ортиқ мукофот олдилар. Оила а'золарининг йиллик даромадлари ҳозир 80 минг сўмдан ҳам ошиқ.

Газета яна бундай деб ёзади:

«Осинин оиласига ўхшаганлар Чирчиқда кўплаб топилади. Химкомбинатдагилар катта оилани, илғор ишчи Ерискинларни, Меҳнат Қаҳрамони Ефакин оиласини яхши биладилар. Аранча—Чирчиқстрой темир йўлининг бригадири Турсунбой Аҳмановнинг болалари турли заводларда ишлайди, турли ўқув юртларида ўқийдилар.

Совет ҳукумати Осининларга, Аҳмановларга, Ерискинларга ва Ефанкинларга меҳнат қилиш, илм олиш ва дам олиш ҳуқуқини берган. Уларнинг шонли Коммунистик партияга, жонажон Совет ҳукуматига бўлган меҳр ва муҳаббатлари чексиздир».

Газета саҳифасида «Биз илм олдик», «Яхши дам», «Бизнинг ихтиро'ларимиз», «Мазмунли суҳбат», «Меҳнатда ярим аср» ва «Бизнинг фаолиятда муҳим воқиа» деган сарлавҳалар остида Осинин оила а'золарининг мақолалари босилган.

«Сталинское знамя» газетаси Осининлар оиласи мисолида партия ва ҳукуматимизнинг совет кишилари тўғрисида тинмай қилаётган ғамхўрликларини кўрсатиб жуда яхши иш қилган.

Туябўғиз сув омбори қурилишида

ТУЙТЕПА (Тошкент области). (ЎзТАГ). Туябўғиз сув омбори қурилишидаги ишлар кундан-кунга қизитилмоқда.

Оҳангарон дар'ёсининг эски ўзани кенгайтирилиб, ундан чап қирғоққа сув чиқариш канали учун фойдаланилади ва тўғон қурилишида ишлайдиган механизмларга сув берилади. Пискент районининг колхозлари сув чиқариш канали қурилишининг қатнашчилари орасида биринчи бўлиб ер қазиш ишлари топшириғини бажардилар.

Қурилиш қатнашчилари янги қурилишни областнинг магистраль тош йўллари блан боғлайдиган тош йўл қурилиши ишларини тугалладилар. Ҳозир янги йўлга шағал ёйиш ишлари тез сур'атлар блан олиб борилмоқда. Қурилиш майдончасини Тошкент магистраль блан боғлайдиган темир йўл тармоғини қуриш ишлари кучайиб кетди. Яқин орада Туябўғиз сув омборига келадиган жуда кўп юклар темир йўл блан бевосита манзилга етказиб бериладиган бўлади.

Электр симлари линиясини қуриш учун тайёргарлик ишлари бошланди.

Ҳамзаобод қўшиқлари

Шоҳимардон тўрт атрофи тоғлар блан ўралган қишлоқ. Бу жой асрлар давомида хурофотчилар оёғи остида топталар эди. Ундаги хоноқа ва мозорлар атрофида ўрнашган шайхлар меҳнаткаш аҳолини алдаб, шилмачилик қилиш блан бойир эдилар. Совет ҳокимятининг дастлабки йилларида ҳам миллатчилар, халқ душманларининг орқа пушти бўлган мулла, эшон каби хурофотчилар Шоҳимардон ерларига ёпишиб олиб, сўнгги кунларини кечирмоқда эди. Булар халққа хурофот ёйиш, бойлик тўплаш блангина чекланмас эдилар, балки совет ҳукуматига қарши қуролли курашларга отланган Англия-Америка империалистларининг малайлари — миллатчилар ва босмачиларга мадад берар эдилар, уларни моддий ва ма'навий жиҳатдан ҳимоя қилар эдилар.

Партия ва ҳукуматимиз Шоҳимардондаги хурофот қузғунларини тор-мор келтиришга, ёрдам берди, меҳнаткаш аҳолининг турмушини яхшилаш, маданиятини ривожлантириш тадбирларини кўрди. 1928 йилда Шоҳимардонга борган машҳур шоир ва таланти жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода ўз атрофига илғор ва актив кишиларни тўплаб меҳнаткашлар ўртасида жамоат ишларини олиб борди. Ўзининг жанговар ше'рлари, оташи нутқлари, содда ва мазмундор суҳбатларида эксплуататорлар ҳокимияти тугатилиб, янги социалистик ҳаёт бошланганлигини тушунтириб борди. Унинг «Ишчилар уйғон», «Яша шўро», «Ўзбек хотин-қизларига» каби ше'рлари Шоҳимардон қишлоғидаги меҳнаткашларнинг севиб айтадиган қўшиқларига айланди. Қишлоқ меҳнаткашлари ўз болаларининг бемалол билим олишлари учун Ҳамзанинг ташаббуси блан мактаб очишга муваффақ бўлдилар ва чала саводлар курсига кириб, ўз саводларини чиқара бошладилар. Ҳамза Ҳакимзоданинг паранжига қарши ёзган ше'рлари, саҳна асарлари ва митинглардаги нутқлари Шоҳимардонда хотин-қизларимизни паранжидан озод қилишда жуда катта роль ўйнади. Ҳамза Ҳакимзода Шоҳимардон қишлоғининг аҳолисига партиямизнинг коллектив хўжалик ҳақидаги йўлланмаларини тушунтиришда мардона хизмат қилди. Ў, партиямиз раҳбарлигида 1928 йилда Шоҳимардонда тузилган «Ўртоқ» номли қишлоқ хўжалик артелига 40 хўжаликдан кўпроқ чоракор-батракларнинг а'зо бўлиб киришида ҳам ташаббус кўрсатди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг бу жўшқин фаолияти ва оташин ижодини севмаган халқ душманлари, уни кўраолмас эдилар. Улар Ҳамзага ҳам, унинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаган активларга ҳам қўлларини бигиз қилиб ўқтар эдилар. Улар янгиликнинг эскилик устидан ғалаба қилиб бораётганлиги, партиямизнинг содиқ фарзандлари туфайли Шоҳимардонда социалистик қишлоқнинг бун'ёдга келаётганлиги қаршисида ғазаб ва изтироб ичида титрар эдилар. Разиллик, мунофиқлик, қотиллик, хўжалар, эшонлар, саидларнинг — хурофий эътиқодлардаги муртадларнинг севган касб-корлари эди. Улар, ўтмиш даврларидаги қонхўрлик ҳунарларини ишга солмоқчи, юртга ваҳима солмоқчи, шундай қилиб, аҳолини яна қадимгидай зулм-даҳшад гирдобида тутмоқчи бўлдилар. Ўша халқнинг Ҳамза каби энг асил фарзандларини ўлдиришга қасд қилдилар.

1929 йил 18 мартда ўзбек халқининг оташин ватанпарвар фарзанди, севикли шоири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бир тўда разил хурофот кишилари, босмачилар томонидан тошбўрон қилиб ўлдирилди.

Сой бўйида қизил гул,
Очилганга ўхшайди,
Эссизгина Ҳамзажон,
Ёш ўлганга ўхшайди.

Ўша баҳорнинг ўзида Шоҳимардон қишлоғида яратилган бу мисра'лар Ҳакимзода ҳақида кўп эшитган, аммо кўришга муваффақ бўлмаган оналарнинг биринкидир, албатта. Ҳақиқатан ҳам Ҳакимзода ёшлигида, умрининг авжи баҳори келган пайтида, 40 ёшида ўлдирилган эди. Бу тўртликнинг «...Эссизгина» сўзида Шоҳимардон қишлоғидаги оналарнинг Ҳамза Ҳакимзодага нисбатан зўр ҳурмат, ҳис, туйғулари мужассамлантирилган эди. Қўйидаги мисра'ларда эса, Ҳамза Ҳакимзоданқ ҳўжалар, саидлар, шайхлар, халқ душманлари ўлдирганликлари ифодаланиб, у «бағритошлар»га нисбатан ҳеч қандай шафқат бўлмаслиги лозим, деб ўқтирилган эди:

Сой бўйида икки тош,
бири-бирига йўлдош,
Ҳамзажонни ўлдирган,
хўжалариннг бағри тош.
Ҳамзажоннинг қошлари,
Боғда булбул қўйруғи,
юртимизда қолмасин,
ўлдирганлар уруғи.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Қотил хўжаларнинг ўйлаганидай эмас, балки юқоридаги мисра'ларни тўқиган меҳнаткаш халқнинг айтганидай бўлди. Совет тузумига қасд қилган ва Ҳакимзодани вахшиларча ўлдирган қотиллар жазоланди. Шоҳимардон қишлоғи шайхлар, эшонлар ва уларнинг мухлисларидан тозаланди. Қишлоқда мактаб, шифохоналар, клуб ва қизил чойхонлар қад кўтарди. Шонли партиямиз раҳбарлигида Ҳамзанинг ташаббуси блан тузилган «Ўртоқ» артели қаторига кейинча «Илгари бос», «Қизил яйлов» артелларнинг қўшилиб, Ҳакимзода номли йириклаштирилган коллектив хўжалик бун'ёдга келди. Коммунист ўртоқ Абдуллажон Ҳатамов раис ва ўртоқ Жўнатов парторг бўлиб ишлаётган бу колхоз 800 хўжаликдан кўпроқ аҳолини бирлаштирди. Қишлоқда ҳам халқнинг талаби блан Ҳамзаобод посёлкаси деган ном берилди. Ҳамзаободлилар Водил райони яқинидаги узоқ замонлардан бери ишловсиз қақраб ётган Тошқўрғон деб аталмиш даштни ўзлаштириб, 500 гектарга яқин янги ер очдилар. Ўерда Янгиобод номли янги посёлкани бун'ёдга келтирдилар.

Социалистик Ўзбекистонимиз, шунингдек унинг бир кичкина бурчаги бўлган букунги Ҳамзаобод қишлоғи ҳам янгича либос кийинган ва янгича зеб-зийнат касб этган.

Ҳамзаободлиларнинг букунги қўшиқлари ҳам бундан 20 йил бурун яратилган ашулла ва қўшиқларидан мазмун бойлиги жиҳатидан фарқ қилади. Эндиликда, совет кишиларининг ҳаётида бўлганидек, Ҳамзаободлиларнинг турмушида ҳам социалистик мазмуннинг бойлиги, хўжалик, маданият ва муомила, муносабатларидаги янгиликлар уларнинг ашулла, қўшиқларида ҳам ўз аксини топмоқда. Ўзи ва баракали меҳнатлари блан социалистик жамият қуриш иштирокчилари сифатида қўлга киритган ютуқлари, қайноқ ҳаётларининг ҳамма соҳаларига доир қувноқ қўшиқлар тўқиганлар. Улар ўз ютуқларининг ҳаммаси учун партиямиз ва совет ҳукуматимиздан миннатдор бўлганликларидан, ўзларининг юрак қўшиқларини, ўзларининг биринчи ва муҳтабар сўзларини жонажон партиямизга қаратадилар.

Раҳбаримиз партия,
Йўлимиз ойдин-порлоқ.
Янги ерни гуллатган,
Колхозчининг вақти чоқ.

Колхоз деҳқонларимизнинг бирлиги ва тўқлигини та'минлади. Деҳқонлар ўзларининг орзу-тилакларига колхоз тузуми туфайли етдилар. Ҳамзаободлилар бу ҳақда мана бундай деб куйлайдилар:

Тилла соат ярашув,
Чечан билакларимга,
Колхозимиз етказди,
Орзу-тилакларимга.

Ҳамзаобод, тўрт атрофи баланд-баланд тоғлар блан ўралган янги социалистик қишлоқ. Бу тоғлар—Шаланг тоғи, Чувурғон тоғ, Избосар, Бўкан, Тош тоғ, Оқ чўққи ва бошқа тоғлар, инсон азмига итоат этмоқда. 1928 йили партия, қонуниятимиз кўрсатмаларига биноан Ҳамзанинг ташаббуси блан Чувурғон тоғ этакларидан бошланган канал ҳозир Шаланг тоғи, Уюзкунгак тоғи этаклари бўйлаб 10 километр масофагача чўзилиб кетган ва 100 гектарлаб ерларни суғормоқда. Тепа-тоғларда чиройли боғлар яратилган. Бу тоғларда ўрик, олма, олхўри, беҳи ва шулар ораларидаги турли-туман мевалардан мўл ҳосил олинмоқда. Бугдой, зиғир, жўхори, картошка, карам, помидор бу ерда мўл-кўл. Ҳурматли шоиримиз Ҳамза Ҳакимзода улуғ доҳимиз В. И. Ленининг ГОЭЛРО плани ҳақида суҳбатлар ўтказганда электрлаштиришнинг аҳамиятини қайта-қайта уқтирган эди. Ҳакимзода номли колхознинг кекса а'золари Орзивойака ва Қамбаровлар ўша вақтдаги суҳбатларини ҳали-ҳали эслайдилар. Мана энди асрлар давомида ўтовлар, уйларни тутиплаттан қора чироқлар аллақачонлардан бери йўқолган. Ҳамзаободнинг ҳамма жойида, ҳамма хонадонида Ильич лампочкалари чарақлаб ёнмоқда. Бўкан тоғи остида тикланган колхоз ГЭСи ёш колхозчи механик Тошканнинг қўллари блан юргизилмоқда. Моҳир монтёр Ҳайдарака электр симларини баланд тоғларгача олиб чиққан. Бу нурли ҳаёт ҳақида Ҳамзаободлилар мана бундай деб айтмоқдалар:

Ҳамзаобод тоғи бор,
Тоғ устида боғи бор.
Чор тарафга нур сочар,
Электр чироғи бор.

Ҳамзаобод колхозчиларининг асосий касб-кори пахтакорликдир. Уларнинг меҳнат кучи блан яратилган «Янгиобод» қишлоғининг 500 гектарга яқин майдонида йилдан-йил кўпроқ пахта ҳосили етиштирилмоқда. Пахта экиш, парвариш қилиш ва йиғим-терим ҳамманинг шоншараф ишидир. Ким пахтага чиқмай колса, кимда-ким ишда дангасалик кўрсатса, ёки йиғим-теримга совуққонлик блан қараса, унинг ким бўлишидан қат'ий назар колхоз йиғилишларида танқид қилинади, ҳатто унинг фел-атворига қарата ҳажвий байтлар тўқилади. Бу ҳаётий мисра'лар колхоз территориясининг қайси бир бурчагида яратилмасин, бир зумда бутун Ҳамзаобод посёлкаси бўйлаб ёйилади, куйларга солиниб, баланд овоз блан колхозчилар томонидан ижро этилади.

Теримчилар раисининг хотини бўлганлиги учун керилиб юрган хонимга қараб айтибдилар:

Томга қўйдим шотини,
Анови кимнинг хотини?
Керилишидан танидим,
Раис акам хотини.
Гапга тушинг ойимча,
Сафга тушинг ойимча,
Пахтага чиқмасангиз,
Ҳайф сизга ойимча.

Бу мисра'лар манманлик, такаббирлик, ўзини коллективдан устун қўйишлик каби эскилик сарқитларига қарши колхозчасига айтилган ошкора сатиранинг намунасидир.

Бирон сабаб блан пахта плани бажарилмай қолса, қизлар ҳаммадан кўпроқ хафа бўладилар. Катта-кичик ҳаммага ўз ҳаракатлари, сўзлари блан ҳам қочирим қилабердилар.

Ариқ бўйида мислар
Пахта теради қизлар.
Пахта план тўлмаса,
Лабин буради қизлар.
Пахта план тўлади,
Қизлар ўйнаб-кулади,
Раҳбаримиз партия,
Айтганимиз бўлади.

Ҳамзаобод қўшиқлари темасининг хилма-хиллиги, ҳаётийлиги, мисра'лар, байтларнинг ўйноқилиги, силлиқ, равон тузилиши, тез тарқаладиган ва тез куйга тушадиган қилиб яратилиши, мазмундорлиги блан ҳаётчандир. Ҳаётнинг фаровонлигига ишора қилиниб, уст-бош кийимларига доир «шелковой», «Коверкёт», «Шерстяной», каби сўзларнинг мисраларга киритилиши, қўшиқларнинг сўз составларидаги оригиналлик, ҳаётийликни кўрсатиб туради. Ҳамзаобод қўшиқлари шу посёлканинг Рисқибиби Мастонова, Орзи Тураева, Ҳолида Қосимова, Марям Рўзибоева, Умирча Тўхтаева, Донахон ва Бирдонахон каби колхозчи, ўқувчи ва хизматчи хотин-қизлар томонидан ўқиш, иш ва дам олиш пайтларида яратилиб, мароқ блан қуйланмоқда. Ҳамзаобод қўшиқлари, янги социалистик ҳаёт кишиларининг қувноқ қўшиқларидир. Бу қўшиқлар колхозларимизда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг унумдорлигини ошириш, маданий ҳаётимизнинг янада гуллаб-яшнашини тараннум этади. Шоиримизнинг вафотига 25 йил тўлган шу кеча-кунларда эса, Ҳамза яшаган ва ижод қилган қишлоқ меҳнаткашлари яратган бу қўшиқлар оғиздан-оғизга кўчиб, янги куч блан янграмоқда. Халқ иши учун фидокорона курашган Ҳамза, халқ қалбида ва унинг ўлмас ижодида абадий яшайди.

Воҳид АБДУЛЛАЕВ.
Филология фанлари кандидати.

Сирдар'ё районидаги колхоз қишлоқларида тобора радиолаштирилмоқда. Райондаги Охунбобоев номли колхознинг радиоузели мингдан ортиқ хонадонга хизмат қилмоқда. **Суратда:** радиотехник ўрток **Х. Тўхтабоев** радио эшитувчиларнинг сўровларига мувофиқ Тошкент радиостанциясидан берилаётган концертни олиб эшитдирмоқда.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

Давлат нашриёти бу йил қандай бадиий китоблар чиқаради

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти халқимизнинг маданий савияси ўсганлиги, бадиий китобларга бўлган талабининг тобора ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб бу йил рус классик ва совет ёзувчилари асарларини, қардош халқлар адабиётининг яхши асарларини, прогрессив четэл ёзувчиларининг китобларини ва шунингдек ўзбек шоир, драматург ва ёзувчиларининг асарларини кўпроқ босиб чиқаришни планлаштирди.

1954 йилда ўзбек китобхонлари улуғ рус ёзувчиларидан А. С. Пушкининг тўрт томлик, М. Ю. Лермонтовнинг икки томлик асарлар тўпламини, Салтиков-Щедриннинг «Эртаклар» тўпламини, Л. Н. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» эпопеясидан биринчи китобини, А. П. Чеховнинг 27 печатний лист ҳажмдаги танланган асарларини, Герценнинг «Қарғахонзагизхон» повестини ўқийдилар.

Бундан ташқари, А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърий романи, «Кавказ асири», «Боқчасарой фонтани», «Полтава» поэмалари, Л. Н. Толстойнинг «Севастополь ҳикоялари», Некрасовнинг шеърлари, М. Горькийнинг «Коновалов», В. Короленкновнинг «Кўр музикачи» ҳикоялари ҳам алоҳида китоб ҳолида нашрга тайёрланмоқда.

Нашриёт планида рус совет ёзувчиларининг асарлари ҳам кенг ўрин олган. Бу йил ўзбек китобхонлари А. Фадеевнинг қайта ишланган «Ёш гвардия» романини, М. Алигернинг «Зоя» поэмасини, М. Медведевнинг Матонатли кишилар воқиий повестини, В. Беляевнинг «Эски қўрғон» романининг биринчи китобини ўз тилларида ўқийдилар. Нашриётнинг ишлабчиқариш планида отоқли қозоқ совет ёзувчиси М. Авезов яратган «Абай» романининг учинчи қисми, Озарбайжон ёзувчиси М. Ибрагимовнинг «Шундай кун келади» романини, бошқирд ёзувчиси Сайфи Қудашнинг «Шерлар ва прозалар» прозалари китобини, арман шоири Геворк Эминнинг «Шаке» номли поэмасини, қирғиз ёзувчиси Т. Сидиқбековнинг «Тоғли болалар» романини босиб чиқариш кўзда тутилади.

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти Украинанинг Россия билан қайта қўшилганлигига 300 йил тўлиши муносабати билан ўтказилэдиган умумхалқ байрамига бағишлаб украин адабиётининг энг яхши намуналари билан ўзбек китобхонларини кенгроқ таништириш мақсадида Т. Шевченкнинг «Кобзарь» номли шеър ва поэмалар китобини, А. Корнейчукнинг «Пьесалар», М. Бажаннинг «Шеърлар» тўпламларини, П. Воронконинг болаларга бағишланган китобчасини, талантли новеллист Ю. Яновскийнинг «Киев ҳикоялари»ни кўплаб нусхада босиб чиқаради. Шунингдек, «Украин ёзувчиларининг асарлари» ва «Ўзбекистон ёзувчилари Украина ҳақида» деган тўпламлари ҳам нашр этилади.

Нашриёт бу йил ўзбек революцион шоири ва драматурги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 15 печатний лист ҳажмдаги танланган асарлари китобини рус ва ўзбек тилларида босиб чиқаради. Ойбекнинг «Навоий», М. Шевердиннинг «Санжар ботир» романлари, Яшиннинг «Пьесалар ва шеърлар», Ш. Туйғуннинг «Пьесалар» тўпламлари нашр этилади. Нашриёт Шароф Рашидовнинг «Ипак води», Иброҳим Раҳимнинг «Ҳаёт булоқлари» романларини ҳам босмага тайёрламоқда.

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти рус тилида В. Артишчевнинг «Партиянинг оддий кишилари» романини, С. Волгиннинг «Оловда тобланганлар» повестини, В. Мильчаковнинг «Яқин ўтмиш ҳақидаги ҳикоялар» китобини босишга мўлжаллади.

Бундан ташқари, Шароф Рашидовнинг «Ҳозирги замон ўзбек совет адабиёти» сарлавҳали адабий-танқидий мақолалар тўплами, Юсуф Султоновнинг Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижоди ва ижтимоий фаолияти ҳақидаги монографияси, Сора Эшонтўраеванинг «Менинг четэлдаги дўстларим», Васила Содиқованинг «Данияга саёҳат» китоблари нашр этилади.

Нашриёт дирекцияси ёш ёзувчиларнинг асарларини босиб чиқаришни планлаштирган. Бу йил М. Ғаниннинг шеърлари, П. Муҳаммедёровнинг «Далада» ҳикояси, Қ. Ҳикмат ва Б. Пармузиннинг шеърлар тўпламлари ҳам босилади. Н. Турмуҳамедов, Ш. Туробов, А. Муҳиддин, Р. Комиловнинг биринчи китоблари ҳам ўқувчиларга тақдим этилади.

Болалар учун Зафар Диёрнинг «Танланган шеърлар ва поэмалари», Уйғунинг «Қорбобо», Ғафур Ғуломнинг «Яша дейман, ўглим», Ҳаким Назирнинг «Кўкорол чироғлари» повести, Мирмуҳсин ва Раҳмат Файзийнинг ҳикоялари, Адҳам Раҳматнинг «Ҳайвонот боғида», Пўлат Мўминнинг шеърлар, Ильёс Муслимнинг «Бизнинг мактаб», Қуддус Муҳаммадийнинг «Янги шеърлар», Шукур Саъдулланинг «От ўйин» ва бошқа қатор китоблар нашр этилади. Нашриёт «СССР халқлари эртаклари», «Ўзбек халқ эртаклари» серияси, «Хитой халқ эртаклари», «Меҳнатда ва ўқишда» номли ҳикоялар тўпламини ҳам босиб чиқаради. Четэл ёзувчиларидан Сабоҳиддин Алининг «Кичкина Ҳасан» ҳикоялар тўплами, Хуэ Шеннинг «Хўроз патлари билан ёзилган хат» китоби, Ж. Верининг «Ўнбеш ёшли капитан» повестини босиш планга киритилган. Совет ва қардош халқлар ёзувчиларининг болаларга аталган П. Бажовнинг «Кумуш туёқ», К. Чуковскийнинг «Мойдодир», Н. Носовнинг «Коля Синицин қундалиги», В. Осеевнинг «Васек Трубачев ва унинг ўртоқлари», Собит Муқановнинг «Эски мактаб» ва бошқа қатор китоблар ўзбек тилида босилади.

Нашриёт ходимлари бу китобларни тезроқ кенг ўқувчилар оммасига етказиш устида қизғин иш олиб бормоқдалар.

М. ЯҲ'ЕЕВ.

Қишлоқ хўжалик кадрларини тайёрлаш икки ойлик курси

Тошкент область Калинин район МТСи қошида қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларга қарши кураш техниклари тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш районлараро икки ойлик курс ташкил қилинган эди.

Бу курсда Калинин, Тошкент қишлоқ, Қорасув ва Оржоникидзе район колхозларидан 40 киши келиб ўқиди. Курсда ўқитиш ишлари яхши йўлга қўйилганлиги сабабли 360 соатлик ўқув программаси муваффақиятли бажарилди.

Курсда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш тажриба станциясининг старший илмий ходимларидан Сидоров, Ғаниев ўртоқлар, шунингдек МТС энтомолог — агрономларидан Муҳамедов, Усмонова ўртоқлар лекция ўқидилар. Ўтилган дарслар тажрибалар билан боғланиб олиб борилди. Шу билан бирга қишлоқ хўжалигига доир илмий кино-картиналар ҳам кўрсатилди.

Курсантлар учун партиямизнинг XIX с'езди, КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорлари партия ва ҳукуматимизнинг кейинги қабул қилган бирқанча қарори тўғрисида лекциялар уюштирилди.

Тингловчиларнинг кўпчилиги курсни а'ло ва яхши баҳолар билан битирди.

А. ҚУЗИЕВ.

ВЕНГРИЯ—СОВЕТ ДЎСТЛИГИ ОЙЛИГИ

Халқ Венгриясига бағишланган виставкалар

Тошкентда, Самарқандда, Фарғонада Венгрия—Совет дўстлиги ойлигига бағишланган виставкалар очилди. Кўпсонли фотоҳужжатлар венгер халқининг республика экономикаси ва маданиятини ривожлантириш соҳасида эришган ютуқларини кўрсатади.

Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакатда энг йирик корхона — ўртоқ Сталин номли металлургия комбинатининг қурилишини тасвирлайдиган фотосуратларни зўр қизиқиш билан тамоша қилмоқдалар. Комбинатнинг биринчи навбати шу йил ишга туширилди. Виставкалар Венгрия республикаси қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ютуқларига, қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг механизациялаштирилишига, янги ерларнинг ўзлаштирилишига, ирригациянинг ривожланишига бағишланган. Кўп суратларда Совет Иттифоқи ва Венгриядаги саноат ва қишлоқ хўжалик илғорларининг ижодий учрашувлари тасвирланган.

Виставкага келган кишилар халоскор совет жангчилари шарафига Венгрияда қурилган ҳайкалларнинг фотосуратлари олдида узоқ вақт тўхтаб тамоша қиладилар.

Европадаги энг йирик шаҳарлардан бири бўлган Венгрия пойтахти Будапештнинг ажойиб архитектурасини акс этдирган фотоҳужжатлар виставкага келучиларнинг диққатини ўзига жалб этади. (ЎзТАГ).

Дўстлик ойлигига бағишланган музикали кеча

Тошкент давлат консерваториясининг концерт залида Венгрия—Совет дўстлиги ойлигига бағишланган катта музикали кеча ўтказилди. Кечада Ўзбекистон пойтахтининг сан'ат арбоблари, олий ўқув юртларининг студентлари, шунингдек Тошкентдаги олий ўқув юртларида ўқучи венгер студентлари ҳам ҳозир бўлдилар.

Консерватория педагоги В. Каякин венгер музикасининг стоқли классиклари ижоди ҳақида, венгер халқи ҳозирги замон музика маданиятининг ривожланиши ҳакида доклад қилди. Расмий бўлимдан кейин катта концерт берилди. Консерватория педагоглари ва студентлари венгер музикаси классикларининг асарларини ижро этдилар. (ЎзТАГ).

Корея Халқ-Демократик Республикасининг ишчилари совет техникасини муваффақият блан эгалламоқдалар

ПХЕНЬЯН, 13 март. (ТАСС). Корея Халқ-Демократик Республикасининг ишчилари Совет Иттифоқидан олинаётган техникани муваффақиятли равишда эгаллаб, саноатни қайтадан тиклаш ишларида зўр ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар.

Корея газеталарининг ёзишича, яқинда Хванхэ вилоятидаги бирқанча конларга совет ускуналари келган. Вилоятдаги кўпгина кончилар шу ускуналардан фойдаланиб, меҳнат унумини анча оширганлар.

Коксан конининг коллективи Совет Иттифоқидан олинган автомат пармалаш машиналари, буров машиналар ва бошқа механизмларни ишлатиб, меҳнат соҳасида янги муваффақиятларга эришмоқдалар. Чунончи, пармаловчи Чжан Кен Сон ҳар кун нормани олти баравар ошириб бажармоқда. Энг янги совет токарь станокларида ишловчи токарьлардан Ли Чхун Бон, Хан Ли Чин, Цой Ен Бок меҳнат унумини 200 процент оширдилар.

Яқинда Хольтон конининг коллективи совет пармалаш машиналарини ва пайвандлаш аппаратларини олди. Пармаловчи Ким Рен Су ишнинг биринчи кунларидаёқ нормани 640 процент бажарди. Проходчиклардан Ким Кен Чин, Ким Нак Бом, Сон Кен Су ва бошқалар топшириқни уч баравар ошириб бажармоқдалар.

Хванхэ вилоятининг бошқа корхоналарида, шу жумладан авторемонт мастерскойларида ва темир йўл деполарида ҳам совет техникаси муваффақиятли ишлатилаётганлиги тўғрисида хабарлар газеталарда босилиб чиқмоқда.

Венгрия МТСлари илғорларининг кенгаши

БУДАПЕШТ, 13 март. (ТАСС). Кеча буерда мамлакат МТСлари илғорларининг кенгаши очилди. Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети ва Венгрия Министрлар совети томонидан чақирилган бу кенгашда Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Матиас Ракоши, Министрлар советининг раиси Имре Надь, Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг раиси Иштван Доби, Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'золари ва ҳукумат а'золари иштирок қилмоқда.

Ер ишлари министри, Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'зоси Андраш Хегедюш Венгрия қишлоқ хўжалигини юксалтиришда МТСларнинг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Докладдан кейин музокаралар бошланди.

Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Матиас Ракоши кўкламги экиш кампаниясининг муваффақият блан ўтказилиши ва ҳосилни ошириш МТСларнинг ишига боғлиқ эканлигини та'кидлади. МТСларнинг ўз олдиларига қўйилган талабларни уддалайолишлари учун, — деди у, — ҳамма имконитлар бор.

Ракоши кўкламги экиш ишларини ўтказишда МТС партия ташкилотлари устига тушадиган жуда катта мас'улиятни ўқтириб ўтди. Партия ташкилотлари, — деди у, — МТСлардаги барча ходимларни олдимизда турган вазифаларни бажаришга, социалистик мусобақани авж олдиришга сафарбар қилишлари лозим.

Кенгаш давом этмоқда.

Хитой халқ республикасида сайловлар

ПЕКИН, 13 март. (ТАСС). Хитой матбуоти мамлакатда халқ вакилларининг маҳаллий мажлисларига сайловларнинг бориши тўғрисидаги хабарларни босиб чиқармоқда. Бугун «Женьминжибао» газетасида босилган хабарда айтилишича, Ғарбий-Жанубий Хитойда сайловлар меҳнаткашлар оммасининг сиёсий активлиги жуда юксалган шароитда ўтмоқда. Газетанинг ёзишича, март ойининг бошигача 71 миллион кишидан кўпроқ аҳоли яшайдиган районларда сайловлар тамом бўлган. Овоз беришда, — деб ёзади газета, — барча сайловчиларнинг ҳамма жойда 90—95 проценти иштирок қилди.

«Гуанминжибао» газетаси Шарқи-Шимолий Хитойда халқ вакилларининг маҳаллий мажлисларига ўтказилган сайловларнинг якунларини бугун э'лон қилди. Мамлакатнинг асосий индустрия базаси бўлган бу районда халқ вакилларининг маҳаллий мажлисларига депутатлар сайлаш ҳозирча 28.000 сайлов участкасида тамом бўлган, бу эса, Шарқи-Шимолий Хитойдаги ҳамма сайлов участкаларининг 96 процентидан кўпроғини ташкил қилади. Шу сайловлар вақтида район меҳнаткашлари Хитой халқининг энг яхши ўғил ва қизларини депутат қилиб сайлаганлар. Булар орасида бутун мамлакатга донг чиқарган меҳнат қаҳрамонлари Ма Хэн-чан, Чжан Мин-шань, Мин Тай, Чжан Цзи-фу, қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг илғорлари ва активлари бор. Булар ўз меҳнатлари ва жамоатчилик ишлари блан халққа, янги Хитой қуриш ишига ўзларининг содиқ эканликларини исбот қилганлар. «Цзефанжибао» газетасининг бугунги сонида Шарқий Хитойда сайловларнинг бориши тўғрисидаги хабар босилиб чиқди. Халқ ҳокимиятининг қуйи органларига ўтказилаётган сайловларда февраль ойининг охиригача 59 миллион кишидан иборат аҳоли яшайдиган территорияда тугалланган.

Газетанинг ёзишича, сайлов кампанияси ҳамма жойда Хитой халқи меҳнаткашлар оммасининг ватанпарварлик ва ишлабчиқариш ғайратини оширмоқда ва сиёсий онгини оширишга ёрдам бермоқда.

ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ҲУКУМАТИГА НОТАСИ

ПРАГА, 13 март. (ТАСС). Чехословакия республикаси ташқи ишлар министрлигининг 1954 йил 12 мартда Америка Қўшма Штатларига юборган нотаси Чехословакиянинг бугунги газеталарида босилиб чиқди.

Нотада айтилишича, Америка Қўшма Штатларининг белгиси бўлган иккита ҳарбий самолёт 1954 йил 12 мартда Ўрта Европа вақти блан соат 13 дан 30 минут ўтганда Чехословакиянинг ҳаво майдонига бостириб кириб, Домажлицнинг ғарби-жанубида республика давлат территорияси тепасида учишни давом этдирган. Америка учучилари Чехословакия ҳарбий самолётига дуч келганда, унинг Чехословакия самолётининг орқасидан бориш тўғрисидаги буйруғига бўйсунмай, унга ҳужум қилишга урининганлар. Чехословак учучиси ўзини мудофаа қилиш мақсадида қурол қўлланишга мажбур бўлган. Шундан кейин, Американинг ҳар икки самолёти булутлар орасига кириб ғойиб бўлган.

Америка ҳарбий самолётларининг республика ҳаво майдонини қўпол равишда бузишига қарши ташқи ишлар министрлиги Чехословакия ҳукуматининг топшириғи блан қат'ий норозилик билдирган.

Венгер халқининг бир группа душманлари устидан ҳукм чиқарилди

БУДАПЕШТ, 13 март. (ТАСС). Венгрия телеграф агентлиги хабар беради:

Венгрия Халқ Республикасининг давлат хавфсизлиги органлари давлат хавфсизлиги бошқармасининг собиқ бошлиғи Габор Петерни, Венгрия Халқ Республикасининг собиқ юстиция министри Дьюла Дечини, министрлик бош бўлимининг собиқ бошлиғи Иштван Тимарни ва бошқаларни давлатга қарши ва халққа қарши ҳаракатлари учун қамоққа олдилар.

Тергозда аниқланишича, Габор Петер ва унинг шериклари (булардан кўплари юқори мансабларда ишлаб келганлар) ўзларининг ўтмишдаги жиноятларини яшириб, мансабларини суи-истеъмол қилиб, давлатга қарши ва халққа қарши оғир жиноятлар қилганлар.

Тергов ҳужжатлари, гувоҳларнинг сўзлари, далил бўладиган буюмлар, суд қилинучиларнинг иқрор бўлиб айтган сўзлари асосида ҳарбий трибунал суд қилинучиларни юқорида айтиб ўтилган жиноятларни қилишда айбдор деб топди. Ҳарбий трибуналда олий прокурор айбномани қувватлаб чиқди.

Ҳарбий трибунал Габор Петерни умрбод қамоқ жазосига, сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этишга ва мол-мулкини тамомила конфискация қилишга ҳукм этди; Дьюла Дечи тўққиз йил қамоқ жазосига, ўн йил сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этишга ва мол-мулкини тамомила конфискация қилишга ҳукм қилиндилар. Қолган суд қилинучилар турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм этилдилар. Ҳукм устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Ғарбий Германия қасосчилари активлашмоқда.

БЕРЛИН, 13 март. (ТАСС). Ғарбий Берлин газеталарининг бугун хабар беришича, 12 мартда Боннда «немис солдатлари союзи»нинг уч кунлик с'езди очилган. Бу с'езда Ғарбий Германиядаги ва Ғарбий Берлиндаги милитарист ва янги фашист ташкилотларнинг вакиллари иштирок қилмоқда.

Гитлерчи ҳарбийлар Ғарбий Германияда милитаризм пропагандасини кучайтириш мақсадида шу йиғинни ўтказмоқдалар. С'езда Бонн министри Штраус ва Бонн бундестагининг раиси Элерс сўзга чиқиб, гитлерчи ҳарбий жиноятчиларни оқлашга урининдилар. Улар ҳозир қамоқда бўлган гитлерчи ҳарбий жиноятчиларнинг ҳаммасини тезлик блан озод қилишни талаб этдилар.

«Дер таг» газетасининг ёзишича, Бонндаги милитаристлар йиғиннинг қатнашчилари ҳарбий жиноятчи гитлерчи генерал Манштейнни «немис солдатлари союзи»нинг фахрий а'зоси қилиб сайлаганлар.

Исроил қўшинлари Ливан ва Сурия чегараларида тўпланмоқда

ПАРИЖ, 13 март. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Байрутдан хабар беради: Му'табар доираларда ма'лум бўлишича, Ливан ва Сурия чегарларида Исроил қўшинлари тўпланмоқда.

Ливан ҳукумати Яқин Шарқда статус-кво (мавжуд аҳволни) сақлаш тўғрисидаги декларацияни имзолаган давлатларга (Америка Қўшма Штатлари, Англия ва Францияга) ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)га расмий норозилик юборган. Айтишларига қараганда, Ливан ҳукумати БМТдаги ўз делегациясининг бошлиғи Шарль Маликка бу ма'лумотни Хавфсизлик Кенгашига етказишни топширган.

Эроннинг собиқ ташқи ишлар министри Фотимий қамоққа олинди

ЛОНДОН, 13 март. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг Теҳрондан хабар беришича, Эроннинг собиқ ташқи ишлар министри Ҳусайн Фотимий бугун Теҳронда қамоққа олинганлиги расмий равишда э'лон қилинган. Мосаддиқ ҳукумати ағдарилгандан бери полиция Фотимийни изламоқда эди.

Ироқ короли Покистонга келди

ДЕҲЛИ, 13 март. (ТАСС). Ироқ короли Файсал II 12 мартда Карачига келган.

Маҳаллий доираларда айтилишича, Ироқ королининг Покистонга келиши Яқин ва Ўрта Шарқдаги агрессив гуруҳга Ироқни ҳам тортиш планларига тааллуқлидир. Шу ҳарбий гуруҳга Туркия блан Покистон ҳам кирган.

Филиппин оролларида ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлди

НЬЮ-ЙОРК, 13 март. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг Маниладан (Филиппин оролларидан) хабар беришича, Минданао оролида катта қишлоқ хўжалик районларида жуда кўп каламушлар пайдо бўлиб, бутун экинларни нобуд қилган. Бунинг натижасида юз минглаб деҳқонлар очарчилик хавфи остида қолган. Қишлоқ хўжалик ма'мурларининг ҳисобича, Котабато вилоятида каламушлар бу йилги ҳосилнинг 80 процентини нобуд қилганлар.

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, кеча Тошкент областида ҳаво ўзгариб турди, ёғингарчилик бўлмади. Температура кундузи 19 — 21 даража иссиқ бўлди.

Бугун Тошкентда ҳавонинг сербулут бўлиши, куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғиши мумкин. Температура 18—20 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/III да **Юрак сирлари** 17/III да **Ҳамза.**

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/III да **Кармен,** 17/III да **Алмаст.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/III да **Нурхон,** 17/III да **Сочи оқарган қиз.**

«РОДИНА», СОБИР РАҲИМОВ номли, НАВОИ номли, «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» кинотеатларида — янги бадиий фильм **Рус балет усталари.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
янги программада
ЦИРК ТАМОШАЛАРИ
Хотин-қизлар—
цирк сан'ати усталари
Парад-пролог
«Совет хотин-қизлари»
РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар опа-сингил Кохларнинг
АТТРАКЦИОНИ.
Тамоша кеч соат 8 да бошланади.
Якшанба куни 3 марта тамоша.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯСИГА
1-нчи қўл
ЎЗБЕКЧА МАШИНИСТКАЛАР
КЕРАК
«Правда Востока» кўчаси, 34-нчи уй. 4-нчи қаватда 87-нчи хонага келиб учрашилсин. Телефон — 34-048.

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» АРТЕЛИ
ҳамма ташкилот ва айрим кишиларга бепул
ҚИПИҚ ВА ҚИРИНДИ БЕРАДИ.
Адрес: Тошкент шаҳар, Клара Цеткин кўчаси, 27-нчи уй. Телефон — 31-531.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

МАЖБУРИЙ ФАРМОЙИШИ

1954 йил 12 февраль № 3 Тошкент шаҳри

Тошкент трамвайидан фойдаланиш қоидалари тўғрисида

Меҳнаткашлар депутатлари Қизил Байроқ орденли Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети **қарор қилади:**

Тошкент трамвайидан фойдаланиш тўғрисида қуйидаги қоидалар тасдиқлансин:

I. ТРАМВАЙГА ЧИҚИШ-ТУШИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Трамвай вагонларига фақат остановкаларда, трамвай тамом тўхтагандан кейингина чиқиш ва тушиш мумкин.

2. Трамвай вагонига фақат орқа эшикдан чиқиш ва фақат олдинги эшикдан тушиш мумкин. Бахтсиз ҳодисаларга йўл қўймаслик учун, вагондан тушгандан кейин трамвай йўлидан фақат трамвай жўнагандан кейин ўтиш мумкин.

3. Мотор вагонининг олдинги эшигидан фақат қуйидаги кишилар чиқиши мумкин:

а) ҳомиладор хотинлар;

б) 7 ёшгача болали пассажирлар;

в) 1—5 синфларнинг ўқучилари (ўқучилик билетини кўрсатиш шарти блан);

г) майиблиги аниқ инвалидлар;

д) кўрлар (кузатиб боручи кишиси блан).

Трамвай ҳайдовчи, вагоннинг одамлар блан тўлиш даражасига қараб, олдинги эшикдан кирадиган пассажирларнинг сонини чегаралаши ва олдинги эшикдан киришга ҳақли бўлмаган пассажирларни қўймаслиги лозим.

4. Ҳарбир мотор вагонида ўтириш жойлари биринчи навбатда 5 ёшгача болали пассажирлар, ҳомиладор хотинлар, инвалидлар ва кексалар учун белгиланади.

5. Қуйидаги кишилар прицепка вагонларининг олдинги эшигидан чиқишлари мумкин:

а) йўл ҳақи тўланадиган багажлари бўлган пассажирлар;

б) форма кийган милиция ходимлари.

II. ТРАМВАЙДА ЮРИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Ҳарбир пассажир кондукторнинг огоҳлантиришини кутмасдан билет сотиб олиши ва йирик пулни майдалатиб кондукторни урининтирмаслиги лозим. Багажи бўлган кишилар ҳарбир багаж учун ҳам билет олишлари шарт.

2. Пассажирлар сотиб олинган билетни трамвайдан тушгунгача сақлаб, контролёр ёки кондукторнинг биринчи талаби бланоқ кўрсатишлари лозим.

3. Доимий билетлари (карточкалари) бўлган пассажирлар трамвай вагонига чиққанда кондукторнинг айтишини кутмасдан бу карточкаларини унга очиб кўрсатишлари лозим.

4. Пассажирларга мотор вагонининг олдинги майдончасида бориш тақиқланади.

5. Қуйидаги кишилар трамвайда бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар:

а) форма кийган милиция офицерлари ва оддий милиционерлар;

б) трамвай ва троллейбус ходимлари (хизмат гувоҳномаларини кўрсатиш шарти блан);

в) катта ёшдаги кишилар блан биргаликда бораётган 7 ёшгача бўлган болалар.

III. ПАССАЖИРЛАРГА ТЕГИШЛИ ҚОИДАЛАР

1. Трамвай пассажирларига қуйидагилар қат'ий тақиқланади:

а) трамвай юриб бораётганда чиқиш ва тушиш;

б) ўз билетини бошқаларга бериш;

в) трамвай тамом тўхтамасдан туриб мотор вагонининг олдинги эшигини очиш;

г) вагонларни ва майдончаларини ифлос қилиш;

д) тамаки чекиш ва гугурт чақиш;

е) трамвай вагонларининг деразалари ёки майдончаларидан бошни чиқариш;

ж) бахтсиз ҳодисанинг олдини олиш зарур бўлмагани ҳолда, вагоннинг звонок, тормоз ва бошқа асбоб-ускуналарига тегиш;

з) кондукторнинг рухсати бўлмасдан деразаларни очиш ва ёпиш;

и) алангаланучи, портловчи ёки ўткир моддалар (бензин, керосин, кислота, кинолента ва ҳоказолар), шунингдек пассажирларни ярадор қилиши ёки кийимларига зарар етказиши мумкин бўлган буюмларни, (ўтин, кўмир ва ҳоказолар, сачадиган ва кесадиган буюмларни) ўралмаган ҳолда олиб бориш;

к) зиналарда, буферларда ва вагон ташқарисидаги бошқа жойларда бориш;

л) шовқин солиш, ашула айтиш, музика асбобларини чалиш.

2. Қуйидаги кишиларга трамвай вагонларида юриш тақиқланади:

а) маст ҳолдаги кишиларга;

б) ифлос кийимли кишиларга;

в) ҳайвон ва парранда олиб бораётган кишиларга;

г) бўйи 1 метр ва эни 0,5 метрдан ошиқ багаж кўтарган кишиларга;

IV. КОНДУКТОРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

1. Кондуктордан қуйидагилар талаб қилинади:

а) остановкаларни баланд овоз блан э'лон қилиш;

б) пассажирлар тамом чиқиб ва тушиб, эшиклар ёпилгандан кейингина трамвайни жўнатиш тўғрисида трамвай ҳайдовчига сигнал бериш;

в) пассажирдан олинган пулнинг суммасини айтиш;

г) вагоннинг ўртаси бўш бўлган тақдирда, билет сотиш учун пассажирларнинг олдига бориш;

д) пассажирларнинг билет олган ёки олмаганлигини текшириш;

е) ҳаракатнинг хавфсизлигини ва трамвайдан фойдаланиш қоидаларига пассажирларнинг риоя қилишини кузатиш;

ж) пассажирларга хушмуомалада бўлиш, ўзининг иш ўрни ёнига номи ёзилган тахтачани илиб қўйиш ва, бундан қат'иқ назар, пассажирларнинг талаби блан ўз фамилиясини ва табель номерини айтиш.

V. ҚОИДАЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

1. Трамвайда билетсиз ёки яроқсиз билет блан борган, шунингдек йўл ҳаки тўланадиган багажи учун ҳақ тўламаган пассажир (ўзи учун билет ва багаж ҳақини тўлашидан ташқари) контролёр томонидан қуйидаги миқдорда штраф қилинади:

а) билетсиз боргани учун — 3 сўм;

б) багажга ҳақ тўламагани учун — ҳарбир багажга 3 сўм. Пассажир бу штрафни шу ернинг ўзида тўлашдан бош тортса, милиция бўлимининг бошлиғи уни уч ҳисса ошиқ штраф қилади.

2. Зиналарда, буферларда ва вагон ташқарисидаги бошқа жойларда бориш, алангаланучи, портловчи ёки ўткир моддаларни олиб бориш, тамаки чекиш ёки гугурт чақишда айблор бўлган кишилар ма'мурий тартибда 100 сўмгача штраф тўлайдилар ёки бир ойгача муддат блан мажбурий ишга тортиладилар.

3. Вагонларга ёки уларнинг асбоб-ускуналарига етказилган зарар қонун блан белгиланган тартибда ундирилади.

4. Бу қоидаларнинг бажарилишини кузатиш милиция органларига ва трамвай ходимларига юклатилади.

5. Ушбу мажбурий фармойиш э'лон қилинган кундан бошлаб 15 кундан кейин кучга киради ва Тошкент шаҳри доирасида жорий этилади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ранси,
Х. ЮСУПОВА,

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари
Х. УСМОНОВА.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 157, Пропаганда бўлими — 157, Совет қурилиши бўлими — 137, Маданият бўлими — 135, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, хатлар бўлими — 137, Секретариат — 34048, э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 1673. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1290.